

الحكم تقود إلى السعادة

(الجزء التاسع عشر)

تأليف:

أنور أحد

«Ҳикматлар – саодатга етаклар»

(Үн түккизинчи китоб)

Тузувчи ва таржимон:

Анвар Аҳмад

Тошкент:
2018 йил

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

عندما ترى ما تتمناه عند غيرك قل :
 ربي أدمها عليهم وارزقني كما رزقتهم ، واطرد
 عنك الحقد والغيرة والحسد ؛ لتقنع وتسعد وترزق
 من الواحد الأحد

4001. Орзу қилған нарсангни ўзингдан бошқада кўрсанг, «Роббим, бу нарсани уларда бардавом қил, уларга насиб қилғанингдек, менга ҳам насиб қил» десанг, сендаги нафрат, ичкуярлик ва ҳасад бартараф бўлади. Шунда ризқингдан қаноатланиб, баҳтли ҳаёт кечирасан, Аллоҳ сени ризқлантиради!



4002. Тобеъинлардан Иброҳим Нахаъий: «Уйларинглар! Қизнинг ризқини уйида берган Зот сенинг уйингда унга ҳам, сенга ҳам ризқ ато қиласверади», дедилар.



4003. Бир киши боғқа кириб, хайрон бўлди: «Кичкина пояда каттакон тарвуз пишади. Каттакон дараҳт дараҳтда эса кичкина мева пишади». У шуларни ўйлаб, хурмо дараҳти остида уйқуга кетди. Шу пайт кичик бир хурмо меваси бошига тушди. У чўчиб уйғониб кетди-да, «Яхшиям дараҳтда тарвуз пишмас экан, Аллоҳга ҳамд бўлсин! Агар шу тарвуз бўлганида, ўлган бўлардим», деди.




4004. Бало-офат фақат сабрни ўлчайдиган мезон эмас, балки нафсимизни қайта ўрганиш учун бир фурсат ҳамдир.



4005. Бир киши Фузайл ибн Иёзга: «Фалончи мени ғийбат қиляпти», деди. У зот: «У сенга кўп яхшиликлар жалб қиляпти экан», дедилар.

التغريدة



أيها المبتلي
أعرف ثواب الصبر العظيم .. وحينها يهون عليك
كل بلاء
قال تعالى
{إِنَّمَا يُوفَى الصَّابِرُونَ أَجْرَهُمْ بِغَيْرِ حِسَابٍ}

4006. Эй балога учраган инсон! Сабрнинг савоби жуда катта бўлишини эсла, шунда ҳар қандай бало сен учун арзимас бўлиб кўринади. Ахир Аллоҳ таоло «**Сабр қилувчиларга ажрлари ҳисобсиз, тўлиқ берилур**», деган! (*Зумар сураси, 10-оят*)




4007. Аҳмоқларни жавобсиз қолдириш уларга жавоб беришдан қийин.



4008. Таниқли ва кучли шахс бўлишинг учун атрофингда дўст ва ёрдамчилар бўлиши шарт эмас. Масалан, шер танҳо ўзи юради, кўйлар эса тўдаси бўлиб юради.



4009. Имом Фаззолий: «Ихлос – барча амалинг Аллоҳ учун бўлиб, қалбинг одамларнинг мақтовидан роҳатланмаслиги, ёмонлашидан сиқилмаслигидир», дедилар.



4010. Ёзган нарсаларингдан савоб умид қил.

Имом Мунзирий роҳимахуллоҳ: «Фойдали илмни ёзган кишига савоб етиб туради. Модомики ёзган нарсаси бор экан, уни ўқиган, ёзган ёки унга амал қилган кишининг савобидан ҳам етиб туради», дедилар.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوى

هنيئاً من بقي مستيقظاً
بعد صلاة الفجر إلى طلوع
الشمس واستثمر
الوقت بالذكر والطاعة
ليفوز بالأجر العظيم

4011. Бомдод намозидан кейин то қуёш чиққунича ухламай, зикр ва ибодат билан машғул бўлиб, улкан савобни қўлга киритиш учун вақтдан унумли фойдаланганларга олқишлиар бўлсин!



4012. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулллох соллаллоху алайхи васаллам: «Модомики банда биродарига ёрдам берар экан, Аллоҳ ўша бандага ёрдамчидир», дедилар.


Имом Муслим ривояти.




4013. Учта меҳмон ваъдалашмай ҳам келаверади:

1. Ризқ.
2. Насиба.
3. Ўлим.

Аллоҳим! Ризқимизни халол, насибамизни баланд қил, ўлимимизни Ўзинг рози бўладиган ўлимлардан қил!




4014. Зикр – Аллоҳнинг банда учун очилган улкан эшигидир. Банда ғафлатда қолиб, уни беътибор қолдирмаса бўлди.



4015. Бола фазилатли ахлоқ ҳақида ҳар қанча кўп ўқимасин, ўша ахлоқни катталар хулиқида ўз кўзи билан кўрмагунича ахлоқлар вараклардаги ёзув ҳолича қолаверади.

التغريدة




سورة الفاتحة تقتل كل الأمراض والجراائم
والحدق والكراهية،،، عطروا غرفكم بسورة
الفاتحة،،، أقرأوها في فرشكم
كرروها باستمرار

4016. Фотиҳа сураси барча касаллик ва бактерияларга, ғазаб ва нафратга барҳам беради. Хонадонларингизни Фотиҳа сурасини ўқиши билан муаттар ҳидга тўлдириб юборинг! Уни тўшакларингизда ҳам ўқинг! Мухими – такрор-такрор ва бардавом ўқинг!



4017. Яхши ва солиҳ зотлар неъмат ичрадир, гарчи яшаш шароитлари қийин бўлиб, дунё улар учун торлик қилса ҳам. Ёмон ва фожирлар мashaққатдадир, гарчи дунё улар учун кенг қулоч очса ҳам!




4018. «Юсуф буни кўнглига тушиб қўйди, лекин уларга ошкор қилмади» (Юсуф сураси, 77-оят)

Баъзида бир нарсани айтмай, сукут қилишни афзал кўрасан. Бундай жим туриш муносиб раддия йўқлиги учун эмас, балки бирор ҳарф айтмай, рад қилишни олий ҳакам – вақтга ҳавола қилганингдандир. Сир сақлаб, ҳақларини ўтиб юборган зотларга Аллоҳ раҳм қилсин! У зотлар сукут билан дўстларининг қалбини улфат қиласи ёки ёмонликнинг олдини олади. Бу эса пайғамбарларнинг хулқларидандир.

لا أحب الإنتقام، لأنني لا أستطيع
قضاء عمرى في الجري وراء كلب
لأعشه كما عضنى



4019. Қасос олишни ёқтирмайман. Ит мени тишилади, энди мен ҳам уни тишилайман деб, унинг ортидан юриб, умримни хазон қилишга тоқатим йўқ!



4020. Кўпчилик бой-бадавлат, мансабдор кишиларнинг пули кўп, обрў-эътибори баланд бўлгани учун уларни энг баҳтли одамлар деб ўйлайди. Бундай фикрлайдиганлар Андалусияда 50 йил, яъни ярим аср ҳукмронлик қилган Абдураҳман ан-Носирнинг ўз қўли билан ёзиб қолдирган қуйидаги мактуби ҳақида бир фикр юритишин: «Ҳеч нарсадан ранжимай, мусаффо ўтган кунларимни санаб кўрса, 14 кунгина чиқди, холос».

التغريدة



د.أحمد عيسى المصراوي

وصية غالبية تحتاج لتأمل

قال رجل للإمام أحمد رحمة الله :

أوصني !! قال :

أَعِزُّ أَمْرَ اللَّهِ حِيثُمَا كُنْتَ يُعْزِّزُ اللَّهُ .

4021. Қимматбаҳо насиҳат. Бу ҳақда фикр юритиб кўринг!

Бир киши имом Аҳмад роҳимаҳуллоҳга «Менга насиҳат қилинг», деди. У зот: «Қандай ҳолатда бўлсанг ҳам, Аллоҳнинг буйруқларини эъзозлагин. Шунда Аллоҳ ҳам сени эъзозлайди», дедилар.

أروع قصة في صفاء النية :

كان طلحة بن عبد الرحمن بن عوف
أجود فريش في زمانه فقالت له امرأته يوماً :
ما رأيت قوماً أشدَّ لوماً من إخوانك . قال : ولم
ذلك ؟ قالت : أراهم إذا اغتثت لزموك ، وإنما
افتقرت تركوك ! فقال لها : هذا والله من كرم
أخلاقهم ! ياتوننا في حال قدرتنا على إكرامهم..
وبيركوننا في حال عجزنا عن القيام بحقهم على
على هذه القصة الإمام الماوردي فقال : انظر
كيف تأول يكرمه هذا التأويل حتى جعل قبيح
فعلمهم حسنا ، وظاهر غدرهم وفاء . وهذا والله يدل
على أن سلامة الصدر راحة في الدنيا وغنية في
الآخرة وهي من أسباب دخول الجنة (ونزعنا ما
في صدورهم من غل إخواننا على سرر مقابلين)
اللهم أرزقنا قلوبنا سليمة

4022. Ниятингиз пок бўлсин

Толҳа ибн Абдурроҳман ибн Авф ўз замонасида Курайш қабиласининг энг сахий кишиларидан бири эди. Кунларнинг бирида хотини: «Дўстларингиз маломат қилганчалик бирор киши сизни маломат қилганини кўрмадим», деди. «Нега ундей дейсан?» деди Толҳа ҳайрон бўлиб. Хотини: «Чунки пулингиз кўпайса, дўстларингиз атрофингида гирдикапалак бўлишади. Пулингиз қолмаганда эса ташлаб кетишади», деди. Шунда Толҳа: «Аллоҳга қасам, бу айни олийжаноблик-ку! Инъом қилишга қурбимиз етадиган пайтда ҳузуримизга келишади. Қурбимиз етмай қолганда эса хижолат чекмаслигимиз учун келмай туришади», деди.


Имом Мовардий ушбу қисса хусусида шундай ёzádi: «Толҳа дўстларининг олийжаноблигини қандай изоҳлаганига қаранг! У ҳатто ёмон хулқни ҳам яхши хулқقا айлантириди. Очикча хиёнатни айни вафодорликка йўйди. Мана шундай хусусият у кишининг энг соғлом қалб соҳиби эканига далолат қилади. Соғлом қалб соҳиби бўлиш дунёда роҳат, охиратда эса насибадир. Мана шу жаннатга кириш сабабларидан биридир. Аллоҳ таоло бу ҳақда «Уларнинг дилларидағи ғилли-ғашларни чиқариб ташладик. Сўриларда бир-бирларига боқиб, дўст бўлган ҳолларида ўлтиурлар», деган (*Ҳижср сураси, 47-оят*).

Изоҳ: Инсон қанчалик моддий роҳат-фароғатга эришмасин, кўнглида бир оз ғашлик бўлса, унга ўша роҳат-фароғат татимайди. Шунинг учун Аллоҳ таоло Ўз раҳмати ила жаннатга сазовор қилган тақводор бандаларининг дилларидан ғашликларни, яъни ҳиқду ҳасад, кўра олмаслик каби баъзи иллатлар бўлса, чиқариб ташлайди.



4023. Жунайд роҳимаҳуллоҳ шундай деган эканлар: «Ихлос – Аллоҳ билан банда ўртасидаги шундай сирки, уни ёзай деса фаришта, бузай деса шайтон, мойил бўлай деса ҳавои нафс билмай қолади».

Саҳл ибн Абдуллоҳга: «Нафсга энг оғир келадиган нарса нима?» дейишиди. Саҳл: «Ихлос оғирроқ, чунки унда нафс учун насиба йўқ», дедилар.



4024. Аллоҳ таоло кўзни қалбнинг ойнаси қилиб қўйган. Агар банда кўзини номаҳрамлардан тийса, қалб шахват ва истакдан тийилади. Кўзини номаҳрамларга қаратса, қалб ҳам шахват томон югуради.



4025. Қаршингда бир киши ёнаётган бўлса, уни қутқариш учун ҳар қандай қийин ишдан қочмайсан.

Илтимос! Намоз ўқимаётган кишини кўрсанг, уни қутқариш учун ҳам бор имкониятингни ишга солгин, чунки Аллоҳга қасамки, у ҳам ёнмоқда!

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوى

قال بعض العارفين :

ذهب الصابرون بخير الدنيا والآخرة،
لأنهم نالوا معية الله .

وقال
{ واصبر لحكم رب فانك بأعيننا }

عدة الصابرين ١١٣/١

4026. Баъзи орифлар: «Сабрлилар дунё ва охиратдаги барча яхшиликларга сазовор бўлдилар, чунки улар «Аллоҳ билан бирга бўлиши» деган мақомни қўлга киритдилар», дейишган экан.

Аллоҳ таоло бу ҳақда: «Роббингнинг ҳукмига (яъни турли мashaq'атli синовлар билан имтиҳон қилишига) сабр қил. Зотан сен, шак-шубҳасиз, Бизнинг кўз ўнгимиздасан (яъни хифзу ҳимоямиздасан)» деган (*Тур сураси, 48-оят*).



4027. Имом Шофеъий шундай деган эканлар: «Тавозе олийжаноб зотларнинг ахлоқидир. Такаббурик пасткаш кимсаларнинг сифатидир. Тавозедан мухаббат ҳосил бўлади. Қаноатдан роҳат ҳосил бўлади».



4028. Мұхаммад Саъид Бутий роҳимахуллоҳ айтадилар:

«Отам Мулла Рамазон роҳимахуллоҳ шундай дер эдилар: «Фарзанд гапиришга ҳаракат қила бошлаши билан унга Аллоҳ қалимасини ўргатиш керак. Сүнгра қалимаи шаҳодатни ёд олдириш керак. Шунда бола бу жумлани тўлиқ айтадиган бўлади. Бешикдан тушиб, ақли кира бошлагач, унга Аллоҳнинг коинотдаги курдатларини, яъни ушбу коинотнинг илоҳи мавжудлигини, ундаги ҳамма ишларни тадбир қилишини, ҳар бир инсон ўша Зотнинг бандаси экани ҳақида сўзлаб бериш керак. Ундан кейин пайғамбарларнинг ҳаёти, хусусан, охирги пайғамбар – Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаёт тарзлари, отоналарининг исмлари, туғилган жойлари, Маккадан Мадинага ҳижрат қилганлари, қўйингки, у зотнинг сийратлари ҳақида кўп гапириш керак. Ундан кейин Қуръоннинг аввалидан охиригача ўргата бошлаш керак».

Отам роҳимахуллоҳ бу муҳим асосларни фарзандларининг гўдаклик давриданоқ тарғиб қиласардилар.


المؤمن لا يتلذذ بالمعصية
إلا والحزن يخالط قلبه
ومتى خلا قلبه من هذا الحزن
فليبكي على موت قلبه

ماجد زكى

4029. Мўмин киши гуноҳ-маъсиятлардан роҳатланмайди. Бордию роҳатланса ҳам, қалбида ғашлик юзага келади. Демак, мўминнинг қалби ана шу маҳзунликдан ажраб қолса, у қалби ўлиб қолгани учун фарёд солиб йиғласин!



4030. Ўтган даврни мақташ, ҳозирни ёмонлаш ва келажақдан ноумид бўлиш уч томонлами муваффақиятсизлик ва ожизлиkdir.



4031. Куръон ёдлаш қийин деб ҳисобласанг, жаннат йўлини ҳам осон деб ўйлама!
Билиб кўй, жаннатнинг энг олий мақоми Куръонни ёд олган қорилар учундир!

*Осонмас Куръонни ёдламоқ фазли,
Мабрук бунга одим ҳатлаганларга –
Жаннатнинг тўрини бўшатиб қўймииш
Ўзининг Каломин ёдлаганларга!*

ان كنت تحب . شيخك .
فاعلم ان فيك خيرا
وان كان شيخك يحبك .
فاعلم ان فيك سرا

4032. Шайхингни, яъни устозингни яхши кўрсанг, билиб кўйки, сенда яхшилик бор экан. Агар шайхинг сени яхши кўрса, билгинки, сенда бир сир бор экан!

*Агарчи шайхингни ўзгача суйсанг,
Илмга суюксан, ажсиб асирсан.
Агар устозинг ҳам сени хуши кўрса –
Сенда нимадир бор, илоҳий сирсан!*

وَكُذلِكَ الْمُعْصيَةِ إِذَا فَدَرْتَ عَلَيْكَ
وَفَعْلَتْهَا بِالْقَدْرِ

فَادْفَعْ مَوْجِبَهَا بِالتَّوْبَةِ النَّصْوَحِ
وَهِيَ مِنَ الْقَدْرِ

مدارج السالكين ١٥١ - ١

4033. Гуноҳ-мъсият қилганинг тақдирга битиб қўйилган бўлса, сен унга чин қалдан қилинадиган тавба билан барҳам бер, шунда бу ҳам тақдирга битиб қўйилган бўлади.



4034. Ибн Ражаброҳимаҳуллоҳ шундай деган эканлар: «Ким бу дунёда камига қаноат қилиб, нафсини ҳам шунга қониктирса, шу камнинг ўзи ҳам унга кифоя қилаади, шу оз нарса билан ҳам беҳожат бўлаверади».



4035. Ахнаф ибн Қайс роҳимаҳуллоҳ шундай деган эканлар: «Одам боласига ҳайронман. Бу дунёга келаётиб, (бир гал отасининг, бир гал онасининг) пешоб йўлидан икки марта ўтганига қарамай, яна такаббурлик қиласи».

*Мағрурлик йўлидан борурсан жадал,
 Маҳкам ушлагансан кибр қўлидан,
 Хайҳот, чиқармиисан ёдингдан тугал
 Икки бор ўтганинг пешоб йўлидан.*

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

ما فُتْحَتْ مَغَالِيقُ الْأَمْوَارِ بِمَثْلِ قَوْلِكَ:
 (لَا حُوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ) ،
 وَلَوْ يَعْلَمْ صَاحِبُ الْحَاجَةِ مَا فِي هَذِهِ الْكَلْمَةِ مِنْ
 الْعُونِ وَالْتَّوْفِيقِ وَالسَّدَادِ مَا تَرَكَهَا

4036. «Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаах» (*Аллоҳдан бошқа бирор куч-қувват йўқ*) калимасидек ёпиқ эшикларни очиб юборувчи калима йўқ. Агар ҳожатманд киши ушбу калимадаги кўмак, муваффақият ва ихотани билганида, уни тинмай айтиб юрган бўлар эди.



4037. Гоҳида ҳаётингдаги баъзи йўлларни танҳо ўзинг босиб ўтишингга тўғри келади.

قال أحمد بن حنبل:
بر الوالدين هو كفارة الكبائر ..



4038. Аҳмад ибн Ҳанбал роҳимаҳуллоҳ: «Ота-онага яхшилик қилиш гуноҳи кабиралар учун каффоротдир», деганлар.



و يسندل حصول الخشوع مع العجلة
و النقر. بل لا يحصل الخشوع قط إلا مع
الطمأنينة .

”الصلوة و حكم تارکها“

4039. Намоздаги хушуъ

Намозни шошқалоқлик билан, қуш каби чўқилаб ўқиш билан хузуъ ва хушуъни қўлга киритиб бўлмайди. Хушуъ хотиржамлик билан бўлади.



4040. Ибн Ҳазм роҳимаҳуллоҳ шундай деган эканлар: «Айбларингни кичик санаётган бўлсанг, «Ўша айб одамлар орасида ошкора бўлиб тарқалса нима бўлади?» деб бир ўйлаб кўр (шунда айбларингнинг кичиклиги қолмайди)».

التغريدة

د. أحمد عيسى المعصراوي

إذا كنت تدعوا وضاق عليك الوقت
و تزاحمت في قلبك حوائجك، فاجعل كل
دعائك أن يعفو الله عنك فإن عفًا عنك أنتك
حوائجك من دون مسألة ..

4041. Дуо қилишга вақting зиқ бўлса, аммо қалбингда ҳожатларинг тўлиб-тошган бўлса, Аллоҳдан фақат афв сўрайвер. Чунки агар Аллоҳ сени афв қилса, сўрамасанг ҳам барча ҳожатларинг бароридан келаверади.



4042. «Аллоҳ қилган амалларингиздан хабардордир» (*Фатҳ сураси, 11-оят*).

Барча кўзлардан тўсилиб, хоҳлаганингни қиласер, лекин шундай кўрувчи Зот борки, У бошка кўрувчилардан фарқидир. У Зот ҳар қандай яширин нарсадан ҳам хабардордир.



4043. Қадимги донишмандлар шундай дейишган экан: «Буғдойга тўлган бошоқнинг боши эгилган бўлади. Бўш бошоқ эса тиккайиб туради. Тавозе билан ғуурнинг фарқи мана шу».

*Оқиллар тавозеъ айлайди доим,
Нодонлар кибрга асрий шерикдир.
Бугдой бошогига назар сол, дўстим –
Тўлигининг боши мудом эгикдир!*



4044. «Улар учун эшиклари очиқ Ади жаннатлари бордир» (*Сод сураси, 50-оят*)

Жаннат ахли жаннатга киргандан кейин ҳам эшиклари очиқ қолади. Бу эса жаннатнинг омонлик диёри эканига далилдир. Жаннат ахли бу дунёга ўхшаб эшикларни кулфлаб ўтиришга муҳтож бўлмайди.



4045. Илм олиш вақтлари

Ибн Жамоа рохимахуллоҳ шундай деган эканлар: «Ёдлаш учун энг яхши фурсат тонг сахардир. Баҳс ва тадқиқот учун энг қулай вақт куннинг аввалидир. Китоб ёзиш учун энг қулай вақт кундузидир. Дарсни такрорлаш ва музокара қилиш учун эса кечки пайт яхшидир».

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوى

قال الله تعالى:
 (إِلَيْهِ يَصُدُّ الْكَلْمُ الطَّيِّبُ)
 اخْتُرْ مِنَ الْأَلْفَاظِ أَجْمَلَهَا وَمِنَ الْمَعْانِي
 أَطْيَبَهَا
 فَإِنْ لَمْ تَجِدْ لَهَا فِي قُلُوبِ الْآخْرِينَ
 مَهْبِطٌ فَيَكْفِي أَنَّهَا إِلَى رَبِّكَ تَصْعُدُ.

4046. «Хуш қаломлар Үнга қўтарилиур» (Фотир сураси, 10-оят).

Сўзлаганда энг гўзал, энг маъноли сўзларни танланг! Сўзларинг бошқаларнинг қалбидан жой топа олмаса ҳам, Роббинг ҳузурига қўтарилишининг ўзи кифоя.



4047. Инсонда уни булғайдыган такаббурлик ва хасад бор экан, қалбга иймон ҳақиқатлари кирмайды.



4048. Ким ўзининг кимлигини яхши билса, одамларнинг мақтovидан ғуурланиб кетмайди. Ким солиҳларга хизмат қилса, хизмати сабабли қадри баланд бўлади. Ким Аллоҳнинг дўстлари бўлмиш валий зотларни ҳурмат қилишдан маҳрум бўлса, Аллоҳ уни халқнинг нафратига дучор қилиш билан балолаб қўяди.



4049. Бир куни хонамда туриб, ўзимга ўзим: «Хаётдаги мұваффакият нима?» деб сүрадим. Қарангки, жавоб ўша хонанинг ўзидан топила қолди:

Шифт: «Юқорига интилиш», деди.

Дераза: «Эртани ўйлаш», деди.

Соат: «Вақт қимматбаҳо», деди.

Күзгулар: «Ўзингдан бошла», деди.

Эшик: «Куч билан итар», деди.

Фақатгина ер: «Бор орзуларингни сажда пайтига сақлаб қўй, чунки Аллоҳ саждада сўралган дуони қуруқ қайтармайди», деди.

Мени лол қолдирган бу жавобларни сизларга ҳам илиндим, биродар!



4050. Сиррий ас-Сиқтий роҳимаҳуллоҳ: «Сен фақирлигингни Аллоҳга қарат, шунда У Зотдан бошқага муҳтож бўлмайсан», деганлар.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوى

في خلوتك لا يغرنك صمت أعضائك ، فإنْ
 لها يوماً تتكلّمُ فيه.
 فلننق الله في خلواتنا كي تدافع أعضاؤنا
 عنا يوم القيمة.

4051. Хеч ким күрмаган пайтда бирор гунох қилсанг, тана аъзоларинг тилсиз эканига хотиржам бўлма, чунки бир қун келиб улар ҳам гувоҳлик беради. Аъзоларимиз Қиёмат куни бизни химоя қилиши учун ёлғиз қолганимизда ҳам Аллоҳдан қўрқиб, У Зотга тақво қиласайлик!



عدد إخوة يوسف (١١) ومع ذلك تامروا عليه.

بينما أخوه موسى الوحيد(هارون) وقف وزيراً مع أخيه.

اسأوا الله دائمًا (البركة) في النفس والمال والولد

والرزق قل منه أو كثراً ..

فليست العبرة بالعدد إنما العبرة بالبركة.

اللهم بارك لنا فيما رزقنا و قنا عذاب النار

البركة: جند خفي من جنود الله، يرسلها على من

يشاء، فتحلى في الوقت والعمر والمال والولد

اللهم اجعلنا مباركين أينما كنا

4052. Юсуф алайҳиссаломнинг ўн битта акаси бор эди. Лекин улар укага ёрдам бериш ўрнига унга суюқасд қилишди. Мусо алайҳиссаломнинг эса биттагина укаси – Ҳорун бор эди. Лекин у ёнларида вазир бўлиб, ёрдам берди. Шундай экан, Аллоҳдан фарзанд, мол-дунё ва ризқнинг оз бўлса ҳам, кўп бўлса ҳам, барака беришини сўранглар. Ибрат олинадиган жойи сонда эмас, баракотдадир.


Аллоҳим! Бизга ризқ қилиб берган нарсаларингга барака ато қилгин ва бизларни дўзах азобидан сақлагин!

Барака – Аллоҳнинг яширин лашкари бўлиб, уни хоҳлаган бандасига юборади. Шунда бу баракаот вақтга, умрга, мол-дунёга ёки фарзандга нозил бўлиб, уларга баракали бўлади.

Аллоҳим, қаерда бўлсак ҳам бизларга барака ато қил!



4053. Ким ғазабига бўйсунса, одобини қўлдан бой берибди.



4054. Орифлардан бири шундай деган экан: «Аллоҳ таоло саҳар чоғи уйғонувчиларнинг қалбини нурга тўлдиради. Бу нур уларнинг қалбини нурафшон қиласди, сўнг уларнинг қалбидан ғофил кимсаларнинг қалбига таралади».

Абу Сулаймон Дороний: «Тунда ибодатда бедор бўладиган зотлар кечани ўйин-кулги билан ўтказадиганлардан кўпроқ лаззат ҳис қилишади», деганлар.



4055. Баъзан вазият ва ҳолатдан бироз ортга чекиниш кўпчиликни ҳалокатдан асраб қолади.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوى

سُئل حَكِيمٌ : مَا السَّخَاءُ ؟
قَالَ : أَنْ تَكُونَ بِمَالِكَ مُتَرْعِعاً وَمِنْ مَالِ
غَيْرِكَ مُتَوَرِعاً

4056. Бир ҳаким зотдан «Сахийлик нима?» деб сўрашди. У зот: «Ўз молингни эҳсон қилишинг, бошқанинг молидан парҳезкор бўлишинг», дедилар.



4057. Ислом – бу ростгүйлиқ, шижаат, сир яшира олиш, пинхон тутиш, босиқлиқ, афв қилиш, кечиримли бўлиш, хаё, ўзаро ёрдам, солиҳ амал, шукр, иззат, иффат, яхши умид, мулойимлик, раҳмдиллик, тавозе, вафодорлик, адолат, биродарини ўзидан афзал қўриш, қаноат, саховат, яхшилик, ихлос ва сабрдир.



4058. Бир киши Увайс Қаранийга: «Бизни ҳам зиёрат қилинг», деди. У зот шундай дедилар: «Мен сизлар билан зиёрат ва учрашишдан афзал нарса орқали алоқада турибман-ку? Ахир сизларни ғойибдан дуо қиляпанди-ку. Зиёрат ва учрашув узилиб қолиши мумкин, лекин ғойибдан қилинган дуонинг савоби узилмайди.



4059. Ҳасан Басрий бир кишига шундай деган эканлар: «Кечки овқатни онанг билан бирга еб, кўнглини шод қилишинг нафл ҳаж қилгандан яхши», дедилар.



4060. Бир қария айтган экан: «Илгари соғлик икковимиз мол-дунё қидирар әдик. Хозирда мол-дунё икковимиз соғлик қидиряпмиз».

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوى

قال تعالى:

(فَبَعَثَ اللَّهُ غَرَابًا يَبْحَثُ فِي الْأَرْضِ لِيُرِيهِ
كِيفَ يَوْارِي سَوْءَةَ أَخِيهِ)
مِنِ اسْتَنْكَفَ عَنِ الْإِصْغَاءِ لِلْوَحْيِ...
اَضْطَرَ لِلْإِصْغَاءِ لِغَرَابٍ !!

4061. «Шунда Аллоҳ ер юзида юргани унга биродарининг ўлигини қандай кўмишни кўрсатиш учун юборди. У: «Шўрим қурсин! Шу қарғачалик бўлиб, биродаримнинг ўлигини кўма олмадим-а!» деди» (*Моида сураси, 31-оят*).

Ваҳийга қулоқ солмаган қарғага қулоқ солишга мажбур бўлади.



4062. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху: «Мен қачон ухлайн? Кечаси ухласам Роббимнинг ҳаққини зое қиласман. Кундузи ухласам, халойикнинг ҳаққини зое қиласман», дер эдилар.



4063. Бир нарса ҳақида керагидан ортиқ ўйлаб юборсанг, тананинг жазоси сифатида бошингга оғриқ киради.



4064. Куни кеча қанча-қанча инсонлар вафот килишди, биз эса ҳаётмиз. Қанча-қанча одамлар бугун тонгда ўрнидан турмади, биз эса турдик. Бироқ бу биздаги қуч ёки рағбатнинг натижаси эмас, балки Аллоҳнинг бизга ато қилған неъматидир!



4065. Имом Алий розияллоҳу анху: «Тавба – қалбдаги надомат, тилдаги истиғфор, аъзоларни тийиш ва қайтиб бу ишни қиласликка қасд қилишдир».

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال الله تعالى

(وجذبها وقومها يسجدون للشمس من دون
الله)

حتى الطيور فوق رؤوسنا
تستنكر التفات القلوب لغير الله
كن مع الله يكن معك

4066. «Худхуд деди: «Унинг ўзи ҳам, қавми ҳам Аллоҳни қўйиб, қуёшга сажда қиласётганини, шайтон амалларини зийнатлаб, уларни йўлдан тўсаётганини кўрдим. Улар ҳидоят топмаслар» (Намл сураси, 24-оят).

Ҳатто устимизда учиб юрган қушлар ҳам қалбнинг Аллоҳдан бошқага мойил бўлишини инкор қиласди.

Қалбинг Аллоҳга боғлиқ бўлса, Аллоҳ ҳам сен билан бирга бўлади!



4067. Икки нарса қалбни занглатади: ғафлат ва гуноҳ.

Икки нарса қалбни жилолайди: истиғфор ва зикр.

لماذا نفوسنا ترتاح في رمضان ؟
الإجابة : لأننا انشغلنا بالغاية التي من أجلها
خلقنا.

4068. Нима учун Рамазонда нафсларимиз роҳатланиб, завқ олади? Чунки бу ойда биз аслида нима учун яратилган бўлсак, ўша иш билан машғул бўламиз!



4069. Яъқуб алайхиссалом Юсуфни яхши кўрдилар. Шунинг учун бошқа ўғиллари ҳасад қилиб, уни қудуққа ташлаб юборишиди. Кейин Азизнинг хотини Юсуфни яхши кўрди. Шунинг учун Юсуф бир неча йил қамоқда қолиб кетди. Аммо Аллоҳ Юсуфни яхши кўриб, уни барча нарсадан куткарди. Демак, Аллоҳ кимни яхши кўрса, уни химоя қиласди ва барча қўрқкан нарсасидан халос қиласди.

فضيلة الشيخ أحمد فتح الله جامي

من لم يعتمد على الله يلعب به شيطان اما من الانس أو من الجن..

قال صلى الله عليه وسلم: يا أبا ذر تعوذ من شياطين الجن والانس؟ قال يا رسول الله وهل للانسان من شياطين؟ قال نعم..

«شياطين الانس والجن يوحى بعضهم الى بعض زخرف القول غرور»

4070. Ким Аллоҳга суюнмаса, у билан инсону жиндан бўлган шайтонлар ўйнашади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам: «Эй Абу Зарр! Инсону жиндан бўлган шайтондан паноҳ тила», дедилар. Абу Зарр: «Эй Аллоҳнинг Расули, инсонлардан ҳам шайтон бўладими?» деди. Шунда у зот: «Ҳа, инсон ва жин шайтонларнинг баъзилари баъзиларни ғууррга кетказиши учун латиф қаломларни танлашади», деб жавоб бердилар.

Имом Аҳмад ва Табароний ривояти.

«Шунингдек, ҳар бир Пайғамбарга инсу жин шайтонларини душман қилиб қўйдик. Уларнинг баъзилари баъзиларни ғууррга кетказишлари учун латиф қаломларни танларлар. Агар Роббинг хоҳласа, бундай қилмас эдилар. Бас, уларни ўзлари тўқиган нарсалари ила ёлғиз қўй!» (Анъом сураси, 112-оят)

Изоҳ: Аллоҳ таоло Ўз хоҳиши билан ҳар бир Пайғамбарга инсон ва жин шайтонларни душман қилиб қўйган экан. Жин шайтонлар одамларни ифво қилиб, васвасага солиб, залолатга чақириб туради, лекин Аллоҳнинг зикри бор жойдан қочади. Шунинг учун улар Аллоҳни эслаб турадиган мўмин-мусулмонга таъсир ўтказа олмайди. Лекин одам шайтонлар жин шайтонлардан ҳам хатарлидир. Улар доимо орамизда, кўз ўнгимизда юришади. Аллоҳни зикрини қилсанг кочмайди.

Турли йўллар билан васваса қилиб, гуноҳ ишларга бошлайди. Инсу жин шайтонлари доимо ғавғо ва түғён билан машғулдир.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

عندما تقوم بمعصية ثم تندم عليها
وتشعر بالخبيق والرغبة بالتوبة
أتعلم بأنك مأجور على هذا الندم!
فما أعظم هذا الدين؟

4071. Бирор гуноҳ қилиб қўйиб, кейин бу қилмишингдан афсусланиб, юрагинг сикилса, тавба қилгинг келса, билгинки, мана шу надоматинг учун ҳам савоб оласан!

Динимиз нақадар буюк!




4072. Мулойим сўзлассанг, ишонч қозонасан. Мулойим фикрлассанг, теран фикрли бўласан. Мулойим садақа берсанг, муҳаббат қозонасан.




4073. Уч нарсанинг ечими йўқ:

1. Дангасалик туфайли камбағаллик.
2. Ҳасад туфайли адоват.
3. Такаббурлик туфайли жоҳиллик.



4074. Гоҳида сенга неъмат ато этилади, чунки сен уни бошқаларда ҳам бўлишини орзу қилган эдинг.

Шайх Шаъровий.



4075. Ким Аллоҳнинг сўзига қулоқ тутса, уни тадаббур қилиб, маъноларини тушунишга ҳаракат қилса, Аллоҳ зикридан тўхтатадиган ва намоздан тўсадиган ҳамда қалбда нифоқ пайдо қиласидиган шайтоний нарсаларни эшишидан бехожат қилиб қўяди.

التغريدة



د. أحمد عيسى المعصراوى

قال الله تعالى:
 ﴿قد جاءتكم موعظةٌ من ربكم وشفاء..﴾

قدّمَ سُبْحَانَهُ الْمَوْعِظَةُ عَلَى الشَّفَاءِ..
 فَمَنْ اتَعَظَّ بِالْقُرْآنِ شُفِيَّ مِنَ الْهَمُومِ
 وَالْأَحْزَانِ

4076. «Эй одамлар! Сизга Роббингиздан мавъиза, қалбингиздаги нарсага шифо, мўминлар учун ҳидоят ва раҳмат келди» (*Юнус сураси, 57-оят*).

Аллоҳ таоло бу оятда «мавъиза» сўзини «шифо» сўзидан олдин келтирди. Демак, ким Куръондан ваъз-насиҳат олса, ғам-ғусса ва маҳзунлиқдан шифо топади.



4077. Умар ибн Хаттоб розияллоху анху шундай деган эканлар: «Тунда ўқиган намозингиз овоза бўлса, бунга алданиб қолманглар. Ҳақиқий инсон омонатни адо қилишидан билинади. Ҳақиқий мусулмон – тили ва қўлидан мусулмонлар омонда бўлган кишидир».



4078. Нима учун чақалоқнинг қулоғига аzon айтамиз?

Субҳаналлоҳ! Бунинг ажойиб сабаби бор экан. Пайғамбаримиз алайҳиссалом фарзанд туғилганда боланинг ўнг қулоғига аzon, чап қулоғига такбир айтишни буюрганлар. «Хўш, бу аzon билан такбирдан кейинги намоз қани?» деган савол туғилади. Бу ҳақда бироз фикрлаб кўринг. Жавоб шуки, бу намоз – жаноза намозидир. Нима учун жаноза намозида аzon ҳам, такбир ҳам айтилмайди? Чунки бу намознинг аzon билан такбири инсон туғилганидаёқ айтиб қўйилган бўлади. Бир инсон вафот қилганда ўқиладиган жаноза намозининг яна бир ибрати шу эканки, инсоннинг ҳаёти такбир билан намоз орасича қисқа фурсат экан.

Чақалоқнинг қулоғига аzon ва такбир айтилишининг яна бир муҳим ҳикмати шуки, унинг биринчи эшитган овози Аллоҳнинг ибодатига чақириқ бўлишидир.



إثناان لا يسبحان :

طالب علم وطالب مال

4079. Икки тоифа ҳеч қачон тўймайди: илм изловчи билан мол-дунё изловчи.



4080. Дангасалик – шайтоннинг изидан юришдир. Ожизлик ҳам шайтоннинг изидан юришдир. Бефойда нарсага машғул бўлиш ҳам шайтоннинг изидан юришдир. Ўйин-кулгига берилиш ҳам шайтоннинг изидан юришдир. Дин хизматида ҳимматнинг суст бўлиши ҳам шайтоннинг изидан юришдир.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال عمر بن الخطاب رضي الله عنه
وأرضاه

إِنَّ لِهَذِهِ الْقُلُوبَ إِقْبَالًا وَإِدْبَارًا فَإِذَا أَقْبَلَتْ
فَخَذُوهَا بِالنَّوَافِلِ وَإِنْ أَدْبَرْتَ فَأَلْزِمُوهَا
الْفَرَائِضَ

ربيع الأول

4081. Умар ибн Хаттоб розияллоху анху шундай деган эканлар: «Қалб гоҳ жонланиб, гоҳ сустлашиб туради. Жонланиб қолса, нафлларга машғул бўлинг. Сустлашиб қолса, фарзларда маҳкам бўлинг!»

كَانَ الْحَسْنُ الْبَصْرِيُّ يَدْعُو ذَاتَ لَيْلَةً
اللَّهُمَّ أَعْفُ عَنْ ظَلْمِنِي ! فَأَكْثَرُ مِنْ ذَلِكَ ، فَقَالَ لَهُ رَجُلٌ :
يَا أَبَا سَعِيدٍ لَقَدْ سَمِعْتُكَ اللَّيلَةَ تَدْعُو لِمَنْ ظَلَمَ !
حَتَّى تَمَنَّيْتَ أَنْ أَكُونَ فِيمَنْ ظَلَمَكَ ! فَمَا دَعَكَ إِلَى ذَلِكَ ؟
قَالَ أَمَا سَمِعْتَ قَوْلَهُ تَعَالَى : " فَمَنْ عَفَا وَأَصْلَحَ فَأَجْرَهُ عَلَى اللَّهِ "



4082. Бир кечаси Ҳасан Басрий «Аллоҳим! Менга зулм қилган кишини афв қил», деб кўп дуо қилдилар. Шунда бир киши: «Эй Абу Саъид! Кечаси билан шу дуони шунчалик кўп такрорладингизки, ҳатто ўша зулм қилган кишининг ўрнида бўлиб қолгим келиб кетди. Бунинг боиси нима?» деди. У зот: «Ахир сен Аллоҳнинг «Ким афв этиб, ислоҳ қилса, унинг ажри Аллоҳнинг зиммасидадир» деганини эшитмаганмисан?» дедилар (*Шўро сураси, 40-оят*).



4083. Умар ибн Хаттоб шундай деган эканлар: «Душманингиз устидан қурол ёки сон билан ғолиб бўлмайсиз. Душманингиз сизлар билан гуноҳда баробар бўлиб қолса, ғалаба кучли томонда бўлаверади».

*Cиз сўранг, қанчалик кўп ўзи хатом,
Ахир биласиз-ку, бунда ҳақ сирин –*

Маъсият ортида мағлублик мудом,
Гуноҳлар ҳал қиласар уруши тақдирин...



4084. Кучли ақл эгаси бўлишнинг ўзи етарли эмас. Муҳими ўша ақлни қойилмақом қилиб ишлатишдадир.



4085. Mashhur adib Жохиздан «Оқил инсон ким?» деб сўрашди. Жохиз шундай деди: «Қачон гапиришни, қандай гапиришни ва ким билан гаплашишни биладиган киши ҳақиқий ақллидир».

التغريدة




د أحمد عيسى المعصراوي

قال الله تعالى
(فتلقى آدمٌ من ربّه "كلماتٍ "فتَابَ عَلَيْهِ) .
التوبةُ ليست عملاً صعباً ...
فقط (كلمات) وقلبٌ صادق !

4086. «Одам Роббидан сўзларни қабул қилиб олди, кейин У Зот унинг тавбасини қабул қилди. Албатта, У тавбани қабул қилувчи, раҳмли Зотдир» (*Бақара сураси, 37-оят*)

Тавба қийин нарса эмас. Тавба – чин қалдан чиққан «Тавба қилдим! Мени кечир!» каби оддий сўзлардир.



4087. Аллоҳ сени қандай тарбиялади?

Гоҳида У Зот сен қидираётган ризқни тўсиб қўяди. Эҳтимол, ўша ризқ дининг ёки дунёингни бузиши мумкин. Ёки ҳали унинг учун муносаб вақт келмаган бўлиши мумкин. Ёки уни энг керакли пайтда бериш учун саклаб турган бўлиши мумкин.



4088. Ибн Баттолроҳимаҳуллоҳ шундай деган эканлар: «Одамларга табассум ва очик чехра билан пешвоз чиқиш пайғамбарларнинг ахлоқидандир. У такаббурликнинг акси бўлиб, дўстона муносабатни юзага чиқарувчи воситадир».

قال الحسن البصري، رحمه الله:
 «الغيبة ثلاثة أوجه ، كلها في
 كتاب الله تعالى : الغيبة ، والإفك ،
 والبهتان ، فأما الغيبة : فهوأن تقول
 في أخيك ما هو فيه ، وأما الإفك فأن
 تقول فيه ما بلغك عنه ، وأما البهتان
 : فأن تقول فيه ما ليس فيه».

تفسير القرطبي 16 / 335

4089. Ҳасан Басрий шундай деган эканлар: «Ғийбат уч хил бўлади: ғийбат, ифк ва бўхтон. Уларнинг ҳар бири Аллоҳнинг китобида зикр қилинган:

Ғийбат – биродарингдаги бор нарсани гапиришинг.

Ифк – биродаринг ҳақида сенга етиб келган гапни гапиришинг.

Бўхтон – биродарингда йўқ нарсани гапиришинг.

(Имом Қуртубийнинг тафсиридан).



4090. Бир ҳаким зот бир кашандага «Сигаретангни кийимингга теккизисб ўчир-чи», деди. Кашанда: «Кийимимни кўйдирадиган даражада жинни бўлганим йўқ!» деди. Шунда ҳаким зот хотиржамлик билан: «Кийиминг ўпкангдан қиммат турадими, оғайнин?» деди.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال أبو سليمان الداراني رحمه الله
ليس الزاهد من ألقى غمّ الدنيا واستراح
منها إنما تلك راحة.

وإنما الزاهد من ألقى غمّها وتعب فيها
لآخرته

4091. Абу Сулаймон Дороний роҳимаҳуллоҳ шундай деган эканлар: «Зоҳидлик – дунё ғамини улоқтириб, дам олиш дегани эмас. Бундай қилган киши ўз роҳатини кўзлаган кимсадир. Ҳақиқий зоҳид – ғамни бир четга сурисиб, охират йўлида ҳориб-чарчаган кишидир».

Изоҳ: Зоҳид сўзи «зўҳд» сўзидан олинган бўлиб, лугатда «юз ўгирувчи, тарк этувчи» маъноларини билдиради. Истиклоҳда эса Аллоҳ розилиги йўлида риёзатга берилган, нафс васвасаларидан, дунё ҳою ҳавасларидан юз ўгирган киши зоҳид дейилади. Зоҳидлар Аллоҳнинг зикрига ҳалал берувчи ҳамма нарсани тарк этиб, дунёга ҳавас қўйшишмайди.

ثلاثة علماء أودعوا بكنيسة (عين التمر) بالعراق ، لكي يتفرغوا
لدراسة الإنجيل ، ثم ينشروا المسيحية في العراق و الجزيرة
العربية :

الأول: سيرين الثاني : يسار الثالث : نصیر .
وبعد أن فتح الله عين التمر على يد سيف الله خالد بن الوليد .
أسلم الأول ، وأنجب محمد بن سيرين : التابعي الكبير والإمام
القدير في التفسير، والحديث، والفقه .
أسلم الثاني ، وأنجب محمد بن اسحاق بن يسار : صاحب
كتاب المخازن الشهير .
أسلم الثالث ، وأنجب : موسى بن نصیر ، الفاتح الإسلامي و
القائد الشهير .

اللهم انصر الاسلام بمن شئت ، وبما شئت ، وكيف شئت .

4092. Учта бола Ироқдаги «Айнут-тамр» черковида Инжилни ўрганиш учун йўлга тушишди. Уларнинг мақсади Ироқда ва араб жазирасида насроний динини тарқатиш эди. Уларнинг бири Сирийн, иккинчиси Ясор, учинчиси Нусайр эди. Аллоҳ бу юртни Холид ибн Валид розияллоҳу анхунинг қўлида фатҳ қилгач, уларнинг уччови ҳам мусулмон бўлди. Биринчиси машҳур тобеъин Муҳаммад ибн Сирийн бўлиб, муфассир, мухаддис ва фақих бўлиб етишди. Иккинчиси сийрат ва мағозий китобларининг муаллифи Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Ясор бўлиб танилди. Учинчиси буюк фотих, машҳур саркарда Мусо ибн Нусайр бўлиб донг таратди.

Аллоҳим! Кимни хоҳласанг, нимани хоҳласанг ва қандай хоҳласанг ҳам, Исломга ғалаба ато қил!



4093. Аллоҳнинг наздида илм билан фахрланиш мол-дунё ва мансаб билан фахрланишдан ёмонроқдир.



4094. Нечук дуо қилай, ахир гуноҳкорман! Нечук дуо қilmай, ахир Сен Каримсан!



4095. Ибн Муборак айтадилар: «Сүфён Саврий: «Агар нафсингни ҳақиқий маънода танисанг, сен ҳақингда айтилган нарсалар сенга зарап бермайди», дер эдилар».

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

«لِيُنذِرَ مَنْ كَانَ حَيَا»
أَنْتَ بِغَيْرِ الْقُرْآنِ •••• مَيْتٌ

اللهم اجعلنا من أهله وخاصته

4096. «(Бу Қуръон) тирикларни огоҳлантириш учундир» (*Ёсин сураси, 70-оят*). Агар Қуръон бизни огоҳлантирмаса, демак, биз ўлик эканмиз! Аллоҳим! Бизларни ахли Қуръонлардан, хослардан қилгин!

قال رسول ﷺ: يطاع الله إلى جميع خلقه ليلة النصف من شعبان
فيغفر لجميع خلقه

إلا لشرك أو مشاحد

رواد ابن ماجه



4097. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Аллоҳ таоло шаъбоннинг ярмидаги тунларда барча маҳлукотларига назар солиб, мушрик ва аразлашганлардан бошқа барчанинг гунохини кечиради».

Ибн Можа ривояти.

Шундай экан, шаъbon ойининг ўн бешигача аразлашган кишиларингиз билан ярашиб олинг!



4098. Намозда фикру зикринг Аллоҳ билан банд бўлиши билан такаббурлик бир жойда жам бўла олмайди. Ким димоғдор ва такаббур бўлиб қолса (Аллоҳ асрасин!), қалбда Аллоҳ билан бирга бўлиши қийин бўлиб қолади.



4099. «Мусонинг онасига: «(Унга ёмонлик етишидан) қўрқсанг, уни дарёга ташла» деб буюрдик» (*Қасос сураси, 7-оят*)

«Биз уни ва унинг аскарларини тутиб, денгизга отдик» (*Қасос сураси, 40-оят*). Иккови ҳам сувга ташланди, лекин ҳолат ва хотима турлича бўлди.

Мусо алайҳиссалом ғоятда заифхол бўлишларига қарамай, сув у зотга заар беради. Фиръавн иззат ва салтанат чўққисида бўлишига қарамай, сув уни гарқ қилди.

Хулоҳ билан бирга бўлсанг, заифлигинг заар бермайди. Аллоҳ билан бирга бўлмасанг, кувватинг фойда бермайди.



4100. Одобнинг даражалари:

Ўзингдан юқорига: хизмат қил.

Ўзинг каби кишига: уни ўзингдан афзал бил.

Ўзидан паст кишига: шафқат, тарбия ва насиҳат қил.

التغريدة



د. أحمد عيسى المعصراوى

أَنْ تَعِيشَ فَقِيرًا وَتَمُوتَ كَذَلِكَ ، لَا يَعْنِي بِأَنْ
 لَيْسَ لَكَ رِزْقٌ
 رَبِّيْمَا قَدْ يَرْزُقُكَ اللَّهُ الْجَنَّةَ عَلَى صَبْرِكَ ،
 بِفَقْرِكَ ،
 فَالْفَقْرُ الْحَقِيقِيُّ لَيْسَ فَقْرُ الْمَالِ بَلْ [فَقْرُ
 الْأَعْمَالِ]

4101. Камбағалликда яшаб, шу ҳолатда вафот топишинг сенга ризқ битилмаганини англатмайди. Эҳтимол, Аллоҳ камбағалликка сабр қилганинг учун сенга жаннатни ризқ қилиб бергандир?

Хақиқий камбағаллик мол-дунёси кам бўлиш эмас, балки яхши амаллари кам бўлишдир.



4102. Туя игнанинг тешигидан ўта олмаганидек, дунёга муҳаббати бор қалбга ҳам Аллоҳнинг муҳаббати кира олмайди.




4103. «Гўзал амал қилганлар учун гўзал савоб ва зиёда бордир» (*Юнус сураси, 26-оят*).

«Гўзал савоб» жаннатдир, чунки ундан гўзал маскан йўқ.
«Зиёда» эса Аллоҳ таолонинг жамолини кўришдир.



4104. Шайх Шинқитий шундай деган эканлар: «Инсон Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга жума куни ва кечаси айтадиган салавоти у зотга кўрсатилишини тасаввур қила олса, бу амали у зотнинг олий қадрлари олдида нақадар арзимас ва кам эканидан ҳаё қиласди».

Аллоҳумма, солли ўалаа Мұхаммадин ва ўалаа оли Мұхаммад!



4105. Яхё ибн Муоз шундай дедилар: «Инсон гапираётган пайтда унга эътибор бер, чунки тили унинг қалbidаги нарсани олиб чиқади. Шунда унинг ширин, нордон, чучук ёки шўр эканини билиб оласан».

التغريدة




د أحمد عيسى المعصراوي

من باب العدل والإنصاف
إذا قارنت حياتك المادية بالآغنياء،
فقارن دينك بدین الأتقياء .

4106. Моддий ҳаётингни бойларга таққослаган пайтингда динингни тақводорларнинг дини билан таққосласанг, айни адолат ва инсоф қилган бўласан!



4107. Бир киши Иброҳим ибн Адҳамга: «Мен тунги таҳажҷуд намозига тура олмаяпман, менга бирор дори тавсия қилинг», деди. У зот шундай дедилар: «Кундузи гуноҳ қилма, шунда Аллоҳ сени Ўз ҳузурига туришингни кафолатлайди. Тунда Аллоҳнинг ҳузурида ибодатда қоим бўлиш энг улкан шарафдир. Гуноҳкор кимса эса бундай шарафга лойик эмас!»



4108. Молик ибн Динор роҳимаҳуллоҳ шундай дедилар: «Қалбингда танглиқ, баданингда лоҳаслик, ризқингда маҳрумликни хис қилсанг, билиб қўйки, бефойда нарсалар хусусида кўп гапириб юборибсан!»

الصوم في شعبان كالتمرين لصوم رمضان

قال ابن رجب :

«وقد قيل في صوم شعبان معنى آخر، وهو أن صيامه كالتمرين على صيام رمضان، ثم يدخل في صوم رمضان على مشقة وكلفة، بل يكون قد تمرن على الصيام واعتاده، ووجد بصيام شعبان قبله حلاوة الصيام ولذاته، فيدخل في صيام رمضان بقوّة ونشاط»

(الكتاب المأثور (196))



مشروع بذرة خير الدعوي

4109. Ибн Ражаб шундай деган эканлар: «Шаъбон ойида тутиладиган нафл рўзанинг бошқа маъноси ҳам бор. Бу нафл рўза Рамазон ойидаги рўза олдидан машқдир. Банда бу рўза билан Рамазон рўзасига мashaққатсиз, кийинчиликсиз кириб келади. Шаъбон рўзаси рўзанинг ҳаловати ва роҳатига кўникумга ҳосил қилишни ўргатади. Ана ундан кейин Рамазон рўзасини қувват билан, ғайрат билан адо этилади».



4110. «Билиб қўй! Қалблар ғафлат ва гуноҳ сабабли заифлашиб, дардга дучор бўлиши, ҳатто ўлиб қолиши ҳам мумкин».

Ибн Муфлихнинг «Одобуши-шаръийя» китобидан

التغريدة



د.أحمد عيسى المعصراوي

إذا عشت مع القرآن بقلبك،
فحتماً ستجد أن تغيراً
تتسع دائركه شيئاً فشيئاً
في حياتك ،
ذلك لأن القرآن يربى
روحك بخفاء ،
طالما أنت في صحبته !

4111. Агар қалбда Қуръон билан яшасанг, ҳәётингда шундай ўзгаришни ҳис қиласанки, унинг таъсири аста-секин яшаш тарзингда ҳам сезила бошлайди, чунки Қуръон билан сұхбатинг узлуксиз давом этса, рухинг яширин тарзда тарбияланиб бораверади.



4112. Қалбда гуноҳ содир бўлиши худди кийимга ёғ текканга ўхшайди. Уни тез ювиб ташламасанг, кийимнинг бошқа жойига ҳам тарқалиб кетади.



4113. Учта амал борки, улар (жуда катта бўлгани учун) тарозуга солинмайди. Биринчиси сабр. Унинг савоби чегараланмаган: «Сабр қилувчиларга ажрлари ҳисобсиз, тўлиқ берилур» (*Зумар сураси, 10-оят*). Иккинчиси афв. Унинг ҳам савоби чегараланмаган: «Ким афв этиб, ислоҳ қилса, унинг ажри Аллоҳнинг зиммасидадир» (*Шўро сураси, 40-оят*). Учинчиси рўза. Унинг ҳам савоби чегараланмаган: «Аллоҳ таоло айтади: «Ҳар бир одам боласининг амали ўзи учундир. Фақат рўза Мен учундир, уни Ўзим мукофотлайман» (хадиси құдсий).



4114. Садақанинг маъноларидан бирини қаранг:
Садақа – чўнтағингдан гуноҳларингни чиқаради



4115. Бир кишига: «Менга жаннатни тасвирлаб бер», дейишди. У: «Жаннатда Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васаллам борлар!» деб жавоб берди.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال الحافظ ابن رجب رحمة الله :
فاما من كان معه القرآن فنام عنه بالليل ولم
يعمل به بالنهار فإنه ينتصب القرآن خصما له
يطالبه بحقوقه التي ضيعها

4116. Ҳофиз ибн Ражаб роҳимаҳуллоҳ шундай дедилар: «Кимда Қуръон бўлса, яъни Қуръондан ёдлаган бўлса, лекин тунда (уни ўқимай) ухласа, кундузи унга амал килмаса, Қиёмат куни Қуръон зое қилинган ҳақларини даъво қилиб, у билан хусуматлашади».



4117. «Одамлар егулик ва ичимлиқдан кўра илмга муҳтожроқдир, чунки кунда бир ёки икки марта овқатга эҳтиёж тушади, илмга эса ҳар нафасда эҳтиёж тушаверади».

Aхмад ибн Ҳанбал

ماجد زکی

إِذَا شَرِعْتَ أَنَّ اللَّهَ غَضِبَ عَلَيْكَ بِسَبَبِ
مُعْصِيَةٍ فَعَلَتْهَا فَتَصْدِيقٌ
الصَّدَقَةُ تُطْفِئُ غَضَبَ الرَّبِّ

لَيْسَ دَائِمًا يَبْتَلِي الْإِنْسَانَ لِيُعَذَّبَ وَأَنَّمَا
قَدْ يَبْتَلِي لِيُهَذَّبَ

4118. Қилиб қўйган гуноҳинг сабабли Аллоҳнинг сенга ғазаби келганини сезсанг, садака бер, чунки садака Аллоҳнинг ғазабини ўчиради.

Инсонга келган бало фақат азоб бўлавермайди, азоб баъзан тарбия учун юборилади.
Можид Закий



4119. Истиқомат – Аллоҳнинг буйруқ ва қайтариқларига қатъий амал қилиш ҳамда тулкига ўхшаб, хийла-найранг қилмаслиkdir.



4120. Низо пайтида хотира барча яхшиликларни йүккә чиқариб юборади.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوى

"إياك نعبد وإياك نستعين"
عهد مهيب ، تُعاهد به ربك في كل ركعة ، أن لا
تعبد سواه
فهل يليق بقلبك بعدها أن يلتفت إلى غيره !!
تأملات قرآنية

4121. «Сенгагина ибодат қиласында Сендангина ёрдам сұраймиз» (Фотиха сураси, 5-оят).

Нақадар катта ваъда! Ҳар ракъатда Роббингдан бошқага ибодат қилмасликка аҳд қилиб, ваъда берасан. Шундай аҳддан кейин ҳам Аллоҳдан бошқага қалбингни боғлашынг дурустми?!


يقول المؤرخ الفرنسي دربيار
نحن الأوروبيون مدینون للعرب بالحصول على
أسباب الرفاه في حياتنا العامة، فالمسلمون
علمنا كيف نحافظ على نظافة أجسادنا. انهم
كانوا عكس الأوروبيين الذين لا يغيرون ثيابهم
إلا بعد ان تتتسخ وتقروح منها رواح كريهة. فقد
بدأنا نقلدهم في خلع ثيابنا وغسلها. كان
المسلمون يلبسون الملابس النظيفة الزاهية
حتى أن بعضهم كان يزيّنها بالأحجار الكريمة
كالزمرد والياقوت والمرجان. وعرف عن قرطبة
أنها كانت تزخر بحماماتها الثلاثمائة، في
حين كانت كنائس أوروبا تنظر إلى الاستحمام
كأداة كفر وخطيئة.
فضل الحضارة الإسلامية على النهضة
الأوروبية
الدكتور رضا العطار

4122. Франциялик тарихчи Драпер шундай деган экан: «Биз европаликлар фаровон ҳаётни ўргатишгани учун араблар олдида қарздормиз. Мусулмонлар бизга танани қандай покиза тутишни ўргатишиди. Улар кийим кийишда европаликларнинг тамоман акси эдилар. Европаликлар кийимлари ниҳоятда кир бўлиб, сасиб кетгандан кейингина бошқасини кийишарди. Кейин эса арабларга эргашиб, кийимни ечиб, ювишни ўргандик. Мусулмонлар кўзни қувонтирадиган тоза ва гўзал кийимлар кийишар эди. Баъзи мусулмонлар ҳатто кийимларини зумрад, ёқут ва маржон каби қимматбаҳо тошлар билан безашар эди. Андалусиянинг биргина Қуртуба шаҳрида уч юзга якин ҳаммом бўлган. Ўша пайтда Европа черковлари ҳаммомни диндан чекиниш, залолат деб ҳисоблар эди».

Доктор Ризо Атторнинг «Ислом цивилизациясининг Оврупанинг ренессансига қўшиган ҳиссаси» номли китобидан

قال حكيم لإبنه يابني
في حياته لا تتنازل عن ثلاثة :-
١- أن تأكل أفضل الطعام
٢- وتنام على أفضل فراش.
٣- وتسكن في أفضل البيوت.
فقال الإبن: نحن فقراء فكيف لي
أن أفعل ذلك؟! فقال الحكيم:
إذا أكلت فقط عندما تجوع
سيكون ماتاكله أفضل طعام.
وإذا عملت كثيراً ونمتم وأنت متعب
سيكون فراشك أفضل فراش.
وإذا عاملت الناس بالمعروف
ستسكن في قلوبهم وبهذا تكون
سكنت في أفضل البيوت. العرب الأصيل

4123. Бир ҳаким зот ўғлига: «Ҳаётда уч нарсада асло ортга чекинма: энг яхши таом ейиш; энг афзал тўшакда ётиш; энг афзал масканда яшаш», деб насиҳат қилибди. Ўғли ҳайрон бўлиб, «Қандай қилиб, отажон? Ахир биз камбағалмиз-ку?» дебди. Шунда ҳаким зот айтган экан: «Овқатни фақат оч қоринга есант, ана шу энг афзал таомдир. Кўп меҳнат қилиб, чарчаб ухласанг, ана шу энг афзал тўшакдир. Одамлар билан яхши муомала қилсанг, уларнинг қалбида яшайсан. Энг афзал маскан ана шудир».



4124. Яхё ибн Муоз роҳимахуллоҳ шундай дедилар: «Мен сизларга дунёни эмас, гуноҳларни тарқ қилишни буюрдим. Дунёни тарқ қилиш фазилат, гуноҳни тарқ қилиш эса фарздир. Сизлар яхшилик ва фазилатга эришишдан олдин фарзларни адо қилишга кўпроқ муҳтожсизлар».

قال الامام القشيري رحمه الله :
فمن كان صباحه بالله
بورك له في يومه ،
ومن كان مساوه بالله
بورك له في ليلته .

4125. Имом Қушайрий роҳимахуллоҳ айтдилар: «Ким тонгда Аллоҳ билан бўлса, ўша кунига барака берилади. Ким кечаси Аллоҳ билан бўлса, ўша тунига барака берилади».

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

ولقد قطع خوفُ الخاتمةِ ظهورَ المتقينْ
وكانَ المُسيئُونَ الظالمُونَ قد أخذُوا توقيعاً
بِالْأَمَانِ !!

الداء والدواء ص ١٤٤

4126. Ҳаётнинг хотимаси хақидаги қўрқинч тақвадорларнинг белини синдираётган бир пайтда ёмон ва золим кишилар худди хотимаси яхши бўлишига кафолат хатини олгандек юришади.



4127. Қийналдим, илм олдим, кейин ўзгардим!

زواج بلال وأخيه

خرج بلال بن رباح مؤذن رسول الله صلى الله عليه وسلم مع أخيه إلى قومٍ من بني ليث، يخطب إليهم لنفسه وأخيه، فقال:

أنا بلال، وهذا أخي .. كنَا ضالِّين؛ فهدانا الله، وكنتا عبدَين؛
فأعْتَقْنَا الله، وكنتا فقيرَين؛ فأعْنَانَا الله؛ فإنْ تُزِّوجُونَا؛
فالحمدُ لله؛ وإنْ ترْدُونَا فالْمُسْتَعْنُ اللَّه!

قالوا: نعم وكرامة! فزوجوهما.

من كتاب حلقات النساء
الكتاب / اللغة العربية : قواعد ومواضيع

4128. Билолнинг совчилиги

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муаззинлари Билол ибн Рабоҳ укасини үйланиш мақсадида Бану Лайс қабиласига келиб, шундай дедилар: «Мен Билолман, мана бу укам. Биз залолатда эдик, Аллоҳ бизни Исломга ҳидоят қилди. Биз қул эдик, Аллоҳ бизни озод қилди. Биз камбағал эдик, Аллоҳ бизни бой қилди. Агар бизга қиз берсангиз, алхамдуиллаҳ. Бермасангиз, Аллоҳу акбар!»

Бу гапни эшитган Бану Лайс қавми: «Ҳа, бажонидил қизимизни сизга берамиз», дейишди.

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم:

يَسِّلُمُ
الراكب على الماشي،
والماشي على القاعد،
والقليل على الكثير.
وفي رواية للبخاري زيادة :
الصغير على الكبير.

[متفق عليه]

للمزيد من المنشورات المميزة
فقط لايك لصفحة العظاماء

4129. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Улов минган пиёдага, юриб кетаётган ўтирганга, озчилик кўпчиликка, кичик каттага салом беради».

Muttafaqun alaih

سمع أحد السلف - رحمة الله - قوله
تعالى :
(لا تقربوا الصلاة وأنتم سكارى حتى
تعلموا ما تقولون)

فقال : كم مِنْ مُهْلِلٍ لَمْ يَشْرَبْ خَمْرًا ،
لَكُنَّهُ لَا يَدْرِي مَا يَقُولُ فِي صَلَاتِهِ
قَدْ أَسْكَرَتْهُ الدُّنْيَا بِمَشَاغِلِهَا .

كلمة تستحق التأمل...

4130. Солиҳ салафлардан бири Аллоҳ таолонинг «Эй иймон келтирганлар, нима деяётганингизни биладиган бўлмагунингизча маст ҳолда намозга яқин келманглар» оятини эшишиб, қанча-қанча ароқ ичмай намоз ўқиётгандар бор, лекин мол-дунё муҳаббатига маст бўлиб, намозида нима ўқиётганини билмайди», деган экан (*Niso сураси, 43-оят*).

التغريدة



دأحمد عيسى المعصراوى

تأملت في المعاصي ،
فوجدت أنه لا يمكن للإنسان أبداً أن يفعل
معصية إلا باستعمال
نعمه من نعم الله عليه!
شيء يُخجل

4131. Гуноҳлар ҳақида тафаккур қилиб қарасам, инсон доим Аллоҳ ато қилган неъматлардан бирини ишлатиш орқали гуноҳ қилас экан.

Нақадар хижолатли ҳолат!



4132. Илм ахли шундай дейди: «Агар инсон қалбини бошқаларга нисбатан гина-адоватдан покласа, тилини уларга нүксон етказишдан сақласа, хотимаси яхши бўлишга ҳақлироқ бўлади».

يَقُولُ أَحَدُ النَّضَارِ؟

كَتَأْتَعْجَبُ مِنْ قَصْصِ الصَّالِحِينَ السَّابِقِينَ
كَيْفَ يَعْكُفُونَ مَدَةً طَوِيلَةً عَلَى الْقُرْآنِ
وَالْعِبَادَةِ وَالْعِلْمِ بِلَا كُلُّ أَوْ مُلْلٍ؟

ذَلِكَمَا رَأَيْتُ الْعَاكِنِينَ عَلَى هُوَاتِنَهُمْ فِي زَمَانِنَا
زَالَ الْعَجَبُ؟
وَعْلَمْتُ أَنَّ الْقَلْبَ إِذَا أَحَبَ شَيْئًا فَلَنْ يَكُنْ
مِنْهُ وَلَنْ يَمْلِ

اللَّهُمَّ رَدَنَا إِلَيْكَ رَدًا جَمِيلًا.
أَجْعَلْنِي صَفْحَةً مَلْمَنِي الْحِكْمَةَ. شَاهِدْ أَوْلَ

4133. Солиҳлардан бири айтади: «Илгари яшаган солиҳлар ҳақидаги қиссаларни ўқиб, улар қандай қилиб узоқ муддат Қуръон тиловат қилишгани ва ҳеч қачон чарчоқ ва малол топмай ибодат ва илмга машғул бўлишганидан таажжубга тушиб, хайрон бўлар эдим. Ҳозирги пайтда телефонга муккасидан кетиб, унга боғланиб қолганларни кўргач, ажабланмай қўйдим. Қалб бир нарсага қаттиқ боғланиб қолса, уни ҳеч қачон малол кўрмас экан».

Бизларни яна соф ҳолимизга қайтариб қўй, Аллоҳим!

اختلاف الحمار والشلب على لون
العشب ... فالحمار يقول ان لون
العشب اصفر والشلب يقول ان لون
العشب اخضر ...
ذهب الى ملك الغابة حتى يحكم
بيتهما... واجتمعت الحيوانات
باتنتظار ان يسمعوا الحكم ... وفجأة
أصدر ملك الغابة بسجن الشلب شهر
ويراءه الحمار
استنكر الشلب الحكم وقال للأسد
يا سيدي أليس لون العشب اخضر؟
قال الأسد : بلى
قال الشلب : إذا لماذا حكمت على
وأنا لم أخطئ الرأي !!
قال الأسد : صحيح أنك لم تخطئ
الرأي لكنك أخطأتين عندما جادلت
حماراً في مسألة كعنه ... لذلك
أمرت بسجنك كي تعتبر ولا تجادل
من لا يفهم ولا يستوعب وليس
أهلاً للمجادلة

مفتاح
الوجه الآخر
للحياة



4134. Эшак билан тулки майсанинг ранги ҳақида тортишиб қолди. Эшак майсанинг рангини сарик деди, тулки эса яшил деди. Икковининг баҳси кучайиб кетгач, уни ҳал қилиб беришни сўраб ўрмон подшоҳига боришиди. Ҳукмни эшишишга барча ҳайвонлар келишиди. Кутимаганды ўрмон подшоҳи эшакни эса айбиз деб эълон қилиб, тулкини бир ой қамашга хук қилди. Тулки ҳукмга қарши чиқиб, шерга: «Ахир майсанинг ранги яшил эмасми?» деган эди, шер: «Тўғри», деди. Тулки: «Унда нима учун менинг зараримга ҳукм чиқардинг, мен хато қилмабман-ку?» деди. Шунда шер: «Тўғри! Сен фикр билдиришда хато қилмадинг. Лекин сен бу масалада эшак билан баҳслашиб хато қилдинг. Тушунмайдиган, гап уқмайдиган, баҳслашишни билмайдиганлар билан тортишганинг учун сени қамашга буюрдим», деди.



4135. «Эй иймон келтирганлар! Кўп гумонлардан четланинглар, чунки айрим гумонлар гуноҳдир! Жосуслик қилманглар! Баъзиларингиз баъзиларингизни фийбат қилмасин! Ё биронтангиз ўлган биродарининг гўштини егиси келадими?! Ҳа, ёмон кўрасиз! Шундай экан, Аллоҳдан қўрқинглар! Аллоҳ тавбаларни қабул қилгувчи, меҳрибон Зотдир» (*Хужурот сураси, 12-оят*)

Мазкур ояти каримада мўминлар жамиятдаги тартиб-интизомни издан чиқарадиган ва меҳр-оқибат йўқолиб кетишига сабаб бўладиган уч иллатдан қайтарилдила. Уларнинг биринчиси бирор ҳақида ёмон гумон қилиш, иккинчиси бирорларнинг айбини қидириб, орқасидан жосуслик, айғоқчилик қилиб юришдир, учинчиси фийбатдир. Фийбат ўзи нима? Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайхи васаллам фийбат ҳақида шундай деганлар: «Фийбат – биродаринг эшитиб қолса хафа бўладиган нарсани у йўқлигида айтишдир айб-нуқсонини айтишингдир». Демак, бир мўминнинг ортидан гапириб, унда йўқ сифатларни айтиш, айрим билимсиз кишилар ўйлаганидек, фийбат эмас, балки бўхтон ва тухмат бўлар экан. Унда бор сифатларни айтиш эса уни сифатлаш эмас, балки айни фийбат қилиш бўлар экан. Фийбатнинг нақадар оғир гуноҳ экани ҳақида мазкур оятда Аллоҳ таоло келтирган мисол жуда ибратлидир, чунки ақл-хуши жойида бўлган бирор инсон бошқа бир инсоннинг гўштини ейишни истамайди. Энди ўша инсон ўзининг биродари бўлса-чи, яна камига ўлган бўлса-чи! Унинг гўштини ейиш дунёдаги энг ваҳший ҳайвон ҳам ҳазар қиласиган бир жиноятдир! Бир мўминнинг ортидан фийбат қилиш эса бундан ҳам оғир жиноятдир!

التغريدة

د أحمد عيسى المعصراوي



قال الإمام أحمد بن حنبل رحمه الله:
 اللهم كما صنت وجهي عن السجود لغيرك
 فصنه عن المسألة لغيرك.

4136. Имом Аҳмад ибн Ҳанбалро ҳуқимахуллоҳ шундай деган эканлар: «Аллоҳим! Юзимни Ўзингдан бошқага сажда қилишдан сақлаганингдек, бошқадан бирон нарса сўрашдан ҳам сақлагин! Нима тилагим бўлса, фақат Ўзингдан сўрайин!»



أين نحن من حب الصديق لرسول الله !

يوم فتح مكة أسلم أبو قحافة، أبو سيدنا أبو بكر، وكان إسلامه متأخرا جداً وكان قد عمي، فأخذته سيدنا أبو بكر وذهب به إلى النبي صلى الله عليه وسلم ليعلن إسلامه ويبايع النبي صلى الله عليه وسلم فقال عليه النبي صلى الله عليه وسلم: **'يا أبو بكر هلا تركت الشيخ في بيته، فذهبنا نحن إليه'** فقال أبو بكر: لأنك أحق أن يوتى إليك يا رسول الله.. وأسلم أبو قحافة. فبكى سيدنا أبو بكر الصديق، فقالوا له: هذا يوم فرحة، فأباوك أسلم ونجا من النار فما الذي يبكيك؟ **حرر**

تخيل.. ماذا قال أبو بكر..؟ قال: **لأنني كنت أحب أن الذي بايع النبي الآن ليس أبي ولكن أبو طالب، لأن ذلك كان سيسعد النبي أكثر..**

رواية أبوعاصم | ٢٤٩ - ٢٥٠ | الطبراني | ١٣٤ - ١٣٥



4137. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни яхши кўришда Абу Бакрнинг олдида киммиз?

Макка фатҳи куни Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анхүнинг оталари Абу Кухофа мусулмон бўлди. Кўзи ожиз бўлиб қолган бу қариянинг мусулмон бўлиши анча кечиккан эди. Абу Бакр Сиддик оталари Исломга кирганини айтиб, байъат қилдириш учун у кишини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига олиб бордилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Абу Бакр! Кекса отангизни уйда қолдирсангиз бўлар эди. Олдиларига ўзимиз борарадик», дедилар. Шунда Абу Бакр Сиддик: «Эй Аллоҳнинг Расули, бунга сиз ҳақлироқсиз», дедилар. Ўша кунларда Абу Бакр кўп йиғладилар. Шунда одамлар: «Энг хурсанд бўладиган кунда ҳам йиғлайсизми? Ахир отангиз мусулмон бўлиб, дўзахдан нажот топди-ку?» дейишли.

Абу Бакрнинг жавобларига эътибор беринг.

«Ҳозир отам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга байъат қилганидан қўра Абу Толиб байъат қилса кўпроқ хурсанд бўлар эдим. Чунки бундан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўпроқ хурсанд бўлардилар».

Имом Аҳмад ва Табароний ривояти



4138. Али розияллоху анху: «Зухднинг энг афзали зухдни яширишдир», дедилар.

Изоҳ: «Зоҳид» сўзи «зуҳд» сўзидан олинган бўлиб, лугатда «юз ўғиравчи», «тарк этувчи» деган маъноларни билдиради. Истилоҳда эса Аллоҳ розилиги йўлида риёзатга берилган, нафс васвасаларидан, дунё ҳою ҳавасларидан юз ўғирган киши зоҳид дейилади. Зоҳидлар Аллоҳнинг зикрига халал берувчи ҳар қандай нарсани тарк этиб, дунёга ҳавас қўйишмайди.



4139. Қайси фазилат кимда бўлгани яхши?

Пархезкорлик яхши нарса, лекин уламоларда бўлгани яхшироқ.
Сахийлик яхши нарса, лекин бойларда бўлгани яхшироқ.
Адолат яхши нарса, лекин амирларда бўлгани яхшироқ.
Сабр яхши нарса, лекин камбағалларда бўлгани яхшироқ.
Тавба яхши нарса, лекин ёшларда бўлгани яхшироқ.
Хаё яхши нарса, лекин аёлларда бўлгани яхшироқ.



4140. Фам-аламларингга барҳам беринг келса, гуноҳларингни йўқ қил.

التغريدة



د.أحمد عيسى المعصراوى

المرأة الصالحة كالفراشة
 لا يصطادها إلا رجل نسج شباكه إيماناً
 وتفوي
 والرجل الصالح كالشجرة الطيبة
 لا تأكل منها إلا امرأة طيبة عفيفة صانت
 نفسها

4141. Солиҳа аёл капалакка ўхшайди. Уни ов тўрини иймон ва тақво билан тўқиган кишигина овлай олади. Солиҳ киши мазали мева дарахтига ўхшайди. Уни нафсини номаҳрамлардан сақлаган иффатли аёлгина тановул қила олади.



4142. Инсон энг кўп муҳофаза қилиши керак бўлган нарса – унинг қалбидир. Қалбнинг кўриқчиси эса тилидир. Луқмони ҳаким ўғилларига: «Агар муҳофаза қилувчи тилинг мустаҳкам бўлса, кўриқланадиган қалбинг ишончли муҳофаза қилинса, дунё ва охиратдаги ишингда тўғри йўлни топибсан», деган экан.



4143. Имом Шофеъий шундай деган эканлар: «Яхшилик бештадир: бехожат нафс; озор бермаслик; ҳалол касб; тақво ва Аллоҳга кучли ишонч».



4144. Умар ибн Хаттоб розияллоху анху айтадилар:

Мен сизларга буюрадиган нарсанинг энг мухими бу намоздир. Ким уни мухофаза қилса, динини сақлади. Ким уни зое қилса, у бошқа барча нарсани зое қилувчиидир.



4145. Мусулмон киши ўзи ва ота-онасини дуо қилганда бошқа мусулмон биродарининг ҳаққига ҳам: «**Аллохумма، إف FIR LEE WALEE WA ALI DAIAH WA LI L-MUSLIMIYNA WAL MUSLIMAAT**» (*Аллоҳум! Ўзимнинг, ота-онам ҳамда мусулмон ва муслималарнинг гуноҳларини мағфират қилгин!*) деб дуо қилиши лозим. Баъзи солиҳ салаф уламолар бу дуони хар куни айтиб, бардавом бўлишни таъкидлаганлар.

التغريدة




د.أحمد عيسى المصراوى

لا تبخل على امك بشئ ! وتدكر أنه قطع حبلك
 السري لحظة خروجك للدنيا وبقي أثره في
 جسدك ليذكرك دائماً بإنسانة عظيمة كانت
 تغذيك من جسدها !

4146. Онангга ҳеч нарсада баҳиллик қилма!


Туғилганингда киндингинг кесиб ташланиб, танангда унинг изи қолади. Бу из бир пайтлар онангнинг жисмидан озуқа олганингни, онанг сен учун нақадар буюк инсон эканини эслатиб туриш учундир.




4147. Дунёга ошиқ кимсалар – ўлдирилган, асир тушганлардир. Улардан баъзилари ажалини топди, баъзилари эса кутиб турибди.



4148. Бир йигит ҳаким зотнинг олдига келиб, «Нафсимда иккита бўри бор, бири яхшиликка, бири ёмонликка чакиради. Доим бир-бири билан курашаверади», деди. Шунда ҳаким зот: «Сен қай бирини кўпроқ озиқлантирсанг, ўшаниси енгади», деб жавоб берди.



4149. Солиҳ зотлар: «Шундай олимлар борки, жоҳиллиги ғолиб келиб, илми манфаат бермайди», дейишган экан.



4150. Имом Ғаззолий роҳимаҳуллоҳ шундай деган эканлар: «Банданинг иймони ниҳоятда кучли бўлса ҳам, доим биргина ғами бўлади. У ҳам бўлса Аллоҳ таолонинг розилигидир, яъни У Зотнинг қудрати ҳақида ўйлаш, дунё ва ундаги нарсаларга машғул бўлиш ўрнига У Зотнинг зикри ва ибодатига машғул бўлиш ғамидир».

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

كان يونس عليه السلام أحب من كان في السفينة إلى الله
ولكنه خسر القرعة !

..
فقد تخسر في الدنيا ويربح غيرك
وتبقى أنت الأحب إلى الله .

4151. Юнус алайхиссалом Аллоҳга энг маҳбуб инсон эдилар, лекин шунга қарамай, кема ичиди қуръани тўғри топа олмагач, муваффакиятсизликка учрадилар. Сен бу дунёда ютуққа эриша олмаслигинг мумкин, бошқалар эса эришиши мумкин (лекин ютуққа эриша олмаганинг Аллоҳ сени ёмон кўради дегани эмас). Ютуққа эришмасанг ҳам Аллоҳга энг маҳбуб банда бўлишинг мумкин.



4152. Илгари одамлар эҳтиёж тушгани учун нарса сотиб олишган. Ҳозир эса суратга тушиш ёки мақтаниш учун ҳам бирон нарса сотиб олишяпти. «Биродарига мақтаниб, «Менинг мол-дунёим сеникidan кўпроқ, одамларим ҳам қучлироқ, қувватлироқ» деган оятдаги каби, оқибати ёмон бўлиб қолишидан эҳтиёт бўлишсин! Чунки оқибатда «Унинг мева-боги ҳалок қилинди. Ўзи эса ҳувиллаб қолган ишкомлар ва уларга сарфланган нарсалар туфайли чапагини чалиб қолаверди» (Қаҳф сураси, 34 ва 42-оятлар).

**تحذير لكل من يجلس في المسجد ويتكلم في الدنيا سواء
شباباً أو شيباً**

خرج ابن مسعود على قوم يتحدثون بعد الأذان في المسجد فنهاهم عن الحديث وقال : إنما جئتم للصلوة فإذاً أن تصلوا وإنما أن تسكتوا : فإني سمعت رسول الله

صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ

سَيَكُونُ فِي أَخِرِ الرَّمَادِ

قَوْمٌ يَجْلِسُونَ فِي الْمَسَاجِدِ

حِلْفًا حِلْفًا إِمَامَهُمُ الدُّنْيَا .

فَلَا تَجِدُوهُمْ .

أخرجه التبراني


فَإِنَّهُ لَيْسَ لِلَّهِ فِيهِمْ حَاجَةٌ .



4153. Ёш бўлсин, кекса бўлсин, масжида ўтириб олиб, дунё сўзларидан гапирмасин!

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу азондан кейин масжида гаплашиб ўтирган одамларнинг олдига чиқиб, уларни бундан қайтардилар ва шундай дедилар: «Сизлар намоз учун келгансизлар. Ё намоз ўқинглар, ё жим ўтиринглар. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Охир замонда шундай одамлар бўладики, масжидларда ҳалқа-ҳалқа бўлиб ўтириб олишади, лекин имомлари дунё бўлади. Бундайлар билан бирга ўтирганлар, чунки Аллоҳга уларнинг кераги йўқ», деганларини эшитганман».

Имом Табароний ривояти.



4154. Жаннатдаги аввалги манзилингга қайтишни хоҳласанг, тунда таҳажжуд ўқийдиганлар водийсига кўтарилигин, чунки карвон ана шу ердан ўтади. Тонг сахардаги дуо қазои қадарнинг ўқи эканини ҳам унутма!



4155. Ибн Масъуд розияллоҳу анхудан: «Рамазонни қандай кутиб олардинглар?» деб сўрашди. У зот: «Бирортамиз янги ойни қалбидаги бошқа мусулмон биродарига нисбатан заррача гина-адоват билан қарши олмас эди», деб жавоб бердилар.

Аллоҳим! Рамазон ойини соғлом қалб билан қарши олишни насиб қил!

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

أقصر قصة مؤلمة ..

السؤال: ﴿مَا سَلَكْتُمْ فِي سَقَرَ﴾ ؟

الجواب: ﴿قَالُوا لَمْ نَكُ مِنَ الْمُصَلِّينَ﴾

تأملوها !!

4156. Дўзах аҳлидан: «Сизларни дўзахга нима киритди?» деб сўрашса, «Биз намоз ўқимас эдик», дейишади (*Муддассир сураси, 42-43-оятлар*).



4157. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтишнинг 40 фойдаси:

1. Аллохнинг амрига бўйсунган бўласиз.
2. Набий алайҳиссаломга Аллоҳ билан бир хил салавот айтган бўласиз.
3. Фаришталар билан бир хил салавот айтган бўласиз.
4. Бир салавот эвазига Аллоҳдан ўнта салавот оласиз.
5. Ўн даражага кўтариласиз.
6. Ўнта ҳасанот оласиз.
7. Ўнта ёмонлигингиз ўчирилади.
8. Дуоларингиз ижобат бўлади.
9. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шафоатларига мушарраф бўласиз.
10. Гуноҳларингиз мағфират қилинади.
11. Энг муҳим ишларда Аллоҳ таолонинг Ўзи кифоя қиласи.
12. Қиёмат куни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга яқин бўласиз.
13. Танг аҳволда қолган бўлсангиз, салавотингиз садақанинг ўрнига ўтади.
14. Ҳожатларингиз бароридан келади.
15. Аллоҳ ва фаришталарнинг салавотига мушарраф бўласиз.
16. Покланиб, мусаффо бўласиз.
17. Ўлим олдидан жаннат башоратига сазовор бўласиз.
18. Қиёмат кунидаги қўрқинчдан кутуласиз.
19. Унутган нарсангиз ёдингизга тушади.
20. Салавотингизга Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам жавоб қайтарадилар.
21. Мажлисларингиз хайрли бўлади.
22. Камбағалликдан қутуласиз.
23. Бахилликдан қутуласиз.
24. Дуоибаддан омонда бўласиз.
25. Салавот сизни жаннат йўлига олиб боради.
26. Аллоҳ ва Унинг Расули зикр қилинмайдиган ёмон мажлисдан омон бўласиз.
27. Хутба ва бошқа сўзларингиз мукаммал бўлади.
28. Сирот кўпригида нурга мушарраф бўласиз.
29. Жафодан қутуласиз.


30. Осмонлару ер ахли орасида Аллоҳнинг чиройли мақтовига сазовор бўласиз.
31. Баракот соҳиби бўласиз.
32. Аллоҳнинг раҳматига мушарраф бўласиз.
33. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муҳаббатларига сазовор бўласиз.
34. Набий алайҳиссаломга суюкли бўласиз.
35. Салавот сизни ҳидоятга элтиб, қалбингизни жонлантиради.
36. Исломнинг Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга кўрсатилади.
37. Сирот кўпригига событқадам бўласиз.
38. Набий алайҳиссаломнинг ҳақларини адо қилган бўласиз.
39. Аллоҳни зикр ва шукр қилган бўласиз.
40. Салавот дуодир, яъни Аллоҳдан хабибига мақтов сўраш ёки банда ҳожатларини сўрашидир.

**قال ابن عطية في تفسير سورة الكهف،
أن والله حدثه عن أبي الفضل الجوهري الواعظ
بمصر، أنه قال في مجلس عظه :**

**من صحب أهل الخير عادت عليه بركتهم، هذا كلب
صاحب قوماً صالحين فكان من بركتهم عليه أن ذكره الله
تعالى في القرآن ولا يزال يتلى على الألسنة أبداً.
ولذلك قيل :**

**من جالس الذاكرين انتبه من غفلته،
ومن خدم الصالحين ارتفع بخدمته.**

4158. Ибн Атийя Каҳф сурасининг тафсирида шундай деганлар: «Ким солиҳ зотларга ҳамроҳ бўлса, уларнинг баракотидан баҳраманд бўлади. Ахир ғордаги йигитларнинг ити солиҳларга ҳамроҳ бўлгани учун, уларнинг баракоти туфайли Куръонда зикри келиб, тилларда абадий тиловат қилинадиган бўлдику?! Шунинг учун: «Ким зокирлар билан бирга ўтиrsa, ғафлатда қолмайди. Ким солиҳларнинг хизматида бўлса, хизмати сабаб даражаси кўтарилади», дейилган».




4159. Зубайр ибн Адийдан ривоят қилинади:

«Анас ибн Моликка бориб, Ҳажжождан етган озорларимизни айтиб, шикоят қилдик. У эса: «Сабр қилинглар, чунки бундан кейин то Роббингизга йўлиққунингизча бирор замон келмайдики, кейингиси ундан ёмонроқ бўлмаса. Мен буни Набийингиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганман», деди».

Имом Бухорий ривояти.

Изоҳ: Ҳажжож ибн Юсуф Сақафий 75-95 (м. 693-714) йилларда Ирокка амир бўлган. Ҳаддан ташқари қаттиқўллиги ва зулми туфайли тарихда «Ҳажжож золим» номи билан машҳур.



4160. Ҳасан Басрий роҳимаҳуллоҳ шундай дедилар: «Бир киши сен билан дунё хусусида мусобақалашаётган бўлса, сен у билан охират хусусида мусобақалашгин».

Мана шу унга ҳақиқий жавоб бўлади.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال أحد التائبين :

سبب توبتي أني تحرشتُ بامرأة في
المطاف ؛ فالتقفت إلّي وقلت
أتينا من أقصى الأرض لنغسل خطايانا هنا
فأين ستفسل أنت خطايالك ؟

4161. Бир зот шундай деган экан: «Тавба қилишимга шундай воқеа сабаб бўлган: мен Каъбада тавоғ пайтида бир хотинга тегажоғлик қилдим. Аёл менга ўгирилиб қаради-да, «Бу ерга дунёнинг бир чеккасидан хатоларимизни ювгани келганмиз. Энди сен бу хатоингни яна қаерда ювасан?» деди».



4162. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Хеч ким Аллоҳ таолодан рашикли бўла олмайди. Шунинг учун У Зот бандаларига фаҳшнинг ошкорасини ҳам, маҳфийисини ҳам ҳаром қилди», деганлар.

Имом Муслим ривояти.



4163. Мусулмон киши гунохларим кўп деб, Аллохнинг раҳматидан ноумид бўлмасин. Лекин яхшиликларим кўп деб, Унинг азобидан ҳам хотиржам бўлиб қолмасин. Мана шу хавф ва ражо, яъни қўрқув ва умиднинг ўртасида бўлсин.



4164. Буларнинг бир-бирига ўхшашини қаранг! Бири ўлдириш учун, иккинчиси фитна қилиш учун.
«Фитна қотилликдан ҳам ёмондир!» (*Бақара сураси, 191-оят*).

حدثني عن الصدقة والصحبة والحب بما شئت
من شعر العرب، فلن تبلغ عشر معشار قول أبي
بكر الصديق رضي الله عنه:
(فشرب النبي حتى أرتويت) *

4165. Садоқат, дүстлик ва мухаббат ҳақидағи эңг зўр шеърлардан хар қанчасини келтиринг, улар Абу Бакр Сиддиқнинг ушбу сўзлари олдида сариқ чақага ҳам арзимайди: «Пайғамбар алайҳиссалом сув ичган эдилар, менинг чанқофум қонди».

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

هنيئاً لمن أصلح قلبه قبل رمضان..

4166. Рамазондан олдин қалбини ислоҳ қилғанларга олқишилар бўлсин!



4167. Аллоҳ томон йўл – юриб бориладиган йўл эмас, балки қалбдаги пардана очиб ташлашдир, холос.



4168. Бир куни Суфён Саврий туни билан йиғлаб чиқдилар. Тонг отгач: «Гуноҳларингиздан кўркиб шунчалик йиғляяпсизми?» дейишди. У зот ерда ётган бир дона сомонни олиб, «Гуноҳлар мана бундан ҳам енгил. Мен ҳаётимнинг хотимасини ўйлаб йиғляяпман», дедилар.

Аллоҳим! Амалларимизнинг хотимасини гўзал қил!



4169. Ҳусни хулқ – раббоний неъмат, набавий маслак ва инсоний қадр-қимматдир. Ким уни топса, юксак мақомга кўтарилиб, Аллоҳ таолонинг муҳаббатига сазовор бўлади.



الشيخ علي الطنطاوي رحمة الله

لو رأيتم رجلاً يقرأ جريدة من أولها إلى آخرها
ثم لما فرغ منها سألتموه : ما أخبارها ؟ قال : لا أدرى، لم
أحاول أن أتفهم معناها .. فما تقولون فيه ؟
أما تنكرون عليه ؟ فكيف لا تنكرون على من يعكف على
المصحف حتى يتم الختمة وقد خرج منها بمثل ما دخل
فيها ما فهم من معانيها شيئاً ؟! من أين جاءت هذه
المصيبة ؟! وكيف حرم المسلمين من قرائهم وهو بين
أيديهم وملء أنظارهم وأسماعهم ؟!

4170. Бир кишининг газетани бошидан охиригача ўқиётганини кўриб, ундан: «Қандай хабарлар бор экан?» деб сўрасангиз, «Билмадим, ўқидим, лекин тушунмадим», деса, нима деган бўлардингиз? Албатта, унинг бу ишини маъқулламайсиз.

Энди Қуръони Каримни бошидан охиригача ўқиб, лекин маъносини тушунмаган одамнинг ишини маъқуллаш мумкинми?! Бу мусибат қаердан келди? Мусулмонлар кўз ўнгидаги Қуръондан қандай маҳрум бўлдилар-а?

Шайх Али Тантовий роҳимаҳуллоҳ.



د أحمد عيسى المعصراوى

المخيف في جملة...
"الشياطين تصعد في رمضان"
أن كل سوء تفعله هذا الشهر يُعبر عن حقيقة نفسك.
اعوذ بالله من شر أنفسنا.

رمضان يعلمنا

عظماء خدموا الإسلام

4171. «Рамазон ойида шайтонлар занжирбанд қилинади»

Нақадар қўрқинчли ҳақиқат! Демак, бу ойда гуноҳ қилаётган бўлсанг, бу сенинг ўзингдан экан, шайтоннинг унга алоқаси йўқ экан-да?




4172. Оила Аллохга итоат устига барпо қилинса, Аллоҳ бу оилага муваффакият насиб этади. Аммо оила Аллохга маъсият устига барпо қилинса, шайтон бу оилага ажрим солади.

Бирор ҳадис қуйидаги ҳадис каби иймонли эр-хотинга мувофиқ тушмайды:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи вассаллам: «Мұхаммаднинг жони қўлида бўлган Зотга қасамки, икки киши бир-бирини севса, иккисидан бири қилган гуноҳгина уларни ажратиб юборади», деганлар.

Имом Аҳмад ривояти.



4173. Ави ибн Абдуллоҳ ибн Утба шундай деганлар: «Банда гуноҳига эътибор берса, уни тарк қилишга рағбат сезади. Банданинг гуноҳига надомати тавба учун калитдир».



4174. «Аллоҳнинг ҳузурига салим қалб билан келганларгагина мустаснодир» (*Шуъаро сураси*, 89-оят).

Абдуллоҳ ибн Авн айтадилар: «Мұхаммад ибн Сийринга: «Оятдаги салим қалб нима?» дедім. У: «Аллоҳ ҳақ, Қиёмат ҳақ, қабрдан қайта тирилиш ҳам ҳақ деб ишониш», деди».

Табарийнинг тафсиридан.

إِذَا أَحْسَنْتْ مِنْ أَحْسَنْ إِلَيْكَ فَأَنْتَ الْبَرُ الْوَفِي وَإِذَا أَحْسَنْتْ مِنْ لَمْ يَحْسِنْ إِلَيْكَ فَأَنْتَ الْكَرِيمُ الْخَفِي وَإِذَا أَحْسَنْتْ مِنْ أَسَاءَ إِلَيْكَ فَأَنْتَ الْمُؤْمِنُ الصَّفِيُّ اللَّهُمَّ أَهْدِنَا
--

4175. Яхшилик қилғанга яхшилик қилсанг, вафодор экансан. Яхшилик қилмаганга яхшилик қилсанг, сахий экансан. Ёмонлик қилғанга яхшилик қилсанг, ҳақиқий мусулмон экансан!



4176. Сулеймон алайхиссалом шундай дедилар: «Сен рост сўзладингми ёки ёлғончилардан бўлдингми, кўурмиз» (*Намл сураси*, 27-оят).

Ҳар қандай хабарни эшитганда пухта ва теран ўйлаш, фикр юритиш, аниқлаштириб олиш ва событқадам бўлиш мусулмон кишининг услубидир.

{وصفٌ سحرية}

إذا وجدت في نفسك شيء من حقد أو
حسد لأحد من إخوانك لأى سبب

فقط

"جرب أن تدعوا الله له"

سترى عجباً والله !!



4177. Мафтункор тавсия

Қандайдир сабаб билан қалбингда бирорта дўстингга нисбатан гина-адоват ёки ҳасад ҳис қиласанг, унинг ҳаққига хайрли дуо қилиб кўр – ажойиб натижа кўрасан.



4178. Ибн Ражаб роҳимаҳуллоҳ шундай деганлар: «Солиҳ салафлар намоз ўқиб бўлгач, намозда камчиликка йўл қўйган бўлсам керак деб, худди гуноҳкор одам гуноҳига истиғфор айтганидек истиғфор айтишар эди».



الدكتورة دعاء الرواوى

قبل أن تيقظوا أطفالكم.. اجلسوا بجوارهم لثلاث دقائق، اقرأوا بصوت منخفض آية الكرسي، والمعوذات، ثم أبقتوهم بهدوء، وأثثروا من التسبيح بدل الصراخ

أثثروا من الأقوال التي تحبب أطفالكم بالله.. الله يرزقنا، الله يحيكم فمئى ما نشأ الطفل على حب الله، خاف من عصيائه، فحسن عمله وتميز بين أقرانه

يمان حفظت موسى في اليم وهو رضيع.. احفظ أولادنا وبناتنا من الغرق في قتن الحياة ولذاتها.. وارزقنا يا الله أولادا صالحين بارين أمين

انشروها للإفادة يا إخوة - يبارك الله في أبنائكم . و جعلكم زخرا و خدما" للإسلام والمجتمع والمسلمين " نعم العالو

للمزيد من المنشورات المميزة فقط لايك لصفحة العظاماء



4179. Фарзандингизни уйғотишдан олдин унинг ёнида уч дақиқа ўтириб, паст овозда «Оятул курси» билан икки «Кул аъзу» сураларини ўқинг. Кейин уни оҳиста уйғотинг. Бақир-чақир ўрнига тасбех айтинг. Аллоҳни севдирадиган сўзлар айтинг, «Аллоҳ ризқимизни кенг қилсин», «Аллоҳ сизларни ёрлақасин» денг. Фарзанд Аллоҳни яхши кўриб улғайса, У Зотга гуноҳ қилишдан кўрқади, солиҳ амаллари билан тенгдошлари орасида ажralиб туради.

Эй Мусо алайҳиссаломни чақалоқ пайтида сақлаб қолган Зот! Ўғил-қизларимизни ҳаёт фитналаридан сақла!

Аллоҳим! Фарзандларимизни солиҳлардан, ота-онасиға яхшилик қилувчилардан қил!

من كان همه ما يدخل جوفه كانت قيمته ما يخرج منه

لـ علي ابن أبي طالب

4180. Кимнинг бор ғам-ташвиши қоринга кирадиган нарса бўлса, унинг қадри у ердан чиқадиган нарсачалик бўлади.

Ali ibn Abi Tolib

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

نحنُ بخيرٌ :
 مَادُمْنَا نُسْتَطِعُ النَّوْمَ
 مِنْ دُونِ مُسْكَنَاتٍ .
 وَلَا نُسْتَقْبِطُ عَلَى صَوْتِ
 جَهَازٍ طَبِيٍّ مَوْصُولٍ بِأَجْسَادِنَا
 الْحَمْدُ لِلَّهِ ثُمَّ الْحَمْدُ لَهُ

4181. Уйқу дори ичмай ухляяпсизми, демак аҳволингиз ёмон эмас. Уйғотар соатнинг қўнгирогига уйғонмаяпсизми, демак хотиржамсиз.

Аллоҳга ҳамд бўлсин, Аллоҳга яна ҳамд бўлсин, Аллоҳга яна ва яна ҳамдлар бўлсин!



4182. Яхё ибн Муоз шундай дедилар:

«Уч хислат валийларнинг сифатидир:

1. Барча нарсада Аллоҳга ишониши.
2. У Зот сабабли барча нарсадан беҳожат бўлиш.
3. Барча нарсада У Зотга қайтиш.



4183. Ўрта асрларда Андалусиянинг Куртуба шаҳрида 170 га яқин аёл куфий хатида Куръон ёзар эди. Ваҳоланки ўша пайтда Оврупадаги аёлларга христианларнинг муқаддас китоби Инжилини ҳатто ушлашга ҳам рухсат йўқ эди.



4184. «У Кунда (мўминлар) юзлари яшнаб, Роббларига бокурлар» (*Киёмат сураси, 22-23-оятлар*).

Дунёдаги энг ҳузурбахш нарса – Аллоҳни ҳақиқий маънода танишдир.

Охиратдаги энг ҳузурбахш нарса – Аллоҳнинг жамолини кўришдир.

Изоҳ: Дарҳақиқат, аҳли жаннат учун Парвардигоримизнинг дийдорига етишдан суюклироқ нарса йўқ. Шунинг учун ҳам Аллоҳнинг жамолини кўрганда юзларнинг янада яшнаб, мунаvvар бўлиши табиий ҳолдир. «Саҳиҳул Бухорий»да ворид бўлган ушбу ҳадиси шариф ҳам мазкур оятини таъкидлайди: «Яқинда Роббингизни худди мана шу тўлин ойни кўриб турганингиздек аниқ кўрасизлар».



4185. Вақт олтиндан қиммат. Лекин уни Аллохга ибодат учун сарфламасанг, (бехуда) кетиб қолади.



4186. Рамазоннинг ҳар кечасида Аллоҳ таоло дўзахдан озод қилиш учун бандаларини танлайди.

Аллоҳим! Менинг исмимни, ота-онамнинг исмларини, ахлим, дўстларим ва буни ўқиётган барчанинг исмини дўзахдан озод бўлганлар рўйхатида қилгин!



4187. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари ҳақида ўқиганимизда уларни ҳар хил қабилалардан эканини кўрамиз. Масалан:

- Абу Бакр розияллоҳу анҳу Бану Тамим қабиласидан;
- Умар розияллоҳу анҳу Бану Адий қабиласидан;
- Усмон розияллоҳу анҳу Бану Умайя қабиласидан;
- Алий розияллоҳу анҳу Бану Ҳошим қабиласидан;
- Абу Зарр розияллоҳу анҳу Ғифор қабиласидан;
- Билол розияллоҳу анҳу Ҳабашистондан;
- Сұхайб розияллоҳу анҳу Румдан;

- Салмон розияллоху анху Форсдан;
 - Саъд ибн Муоз розияллоху анху Абс қабиласидан;
 - Холид ибн Валид розияллоху анху Бану Махзум қабиласидан эдилар.
- Барчаларидан Аллоҳ рози бўлсин!

Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай деган: «**Аллоҳ уларнинг қалбини бирлаштирган Зотдир.** (Эй Мұхаммад!) Ер юзидаги бор нарсани сарфласангиз ҳам, уларнинг қалбини бирлаштира олмас эдингиз. Лекин Аллоҳ уларни бирлаштириди. У Қудратли, Ҳаким Зотдир» (*Анфол сураси, 63-оят*).

يارب إذا كان عفوك يمحو
 الذنوب ، فكيف ودك ؟!
 وإذا كان ودك يضيء القلوب ،
 فكيف حبك ؟!
 وإذا كان حبك يدهش العقول
 ، فكيف قربك ؟!
 وإذا كان قربك يزيل الهموم ،
 فكيف النظر إلى وجهك
 الكرييم ؟!
 اللهم إنا نسألك :
 عفوك ، وودك . وحبك .
 وقربك . ولذة النظر إلى
 وجهك الكرييم .

4188. Роббим! Афвинг гуноҳларни ўчирса, меҳрибонлигинг қандай экан? Мехрибонлигинг қалбларни нурга тўлдирса, муҳаббатинг қандай экан? Муҳаббатинг ақлларни даҳшатга солса, Сенга яқин бўлиш қандай экан? Сенга яқин бўлиш ғам-ғуссани кетказса, жамолингни кўриш қандай экан?

Аллоҳим! Афвингни, меҳрибонлигини, муҳаббатингни, Сенга яқин бўлишни ва жамолингни кўриш лаззатини сўрайман!

على حسب قدر السلعة يكون مكيال وزنها!
 الحديد.. بالطن
 الفاكهة.. بالكيلو
 الذهب.. بالجرام
 الألاظ.. بالقيراط
 أعمال الآخرة..... بالذرة
 " فمن يعمل مثقال ذرة خيرا يره ومن يعمل مثقال ذرة شرا يره"
 "الا ان سلعة الله غالية.. الا ان سلعة الله الجنة"
 "وفي ذلك فليتنافس المتنافسون"

4189. Ҳар бир нарсанинг ўлчов бирлиги бор.


- Темир тонналаб ўлчанади.
- Мева килолаб ўлчанади.
- Олтин граммлаб ўлчанади.

- Олмос қийротлаб ўлчанади.
 - Охират амаллари зарралаб ўлчанади.
- «Ким зарра мисқолича яхшилик қилса, шуни ҳам кўради. Ким зарра мисқолича ёмонлик қилса, шуни ҳам кўради»** (Залзала сураси, 7-8-оятлар).


Огоҳ бўлинг! Аллоҳнинг моли қимматбаҳодир. Огоҳ бўлинг! Аллоҳнинг моли жаннатдир. Шундай экан, мусобақалашувчилар мана шунда мусобақалашсин!



4190. Аллоҳ қалблар хавфда туриши учун амалларнинг қабулини яширди.
Инсон умидвор туриши учун тавба эшикларини очик қолдирди.
Хеч ким амалига ишонмаслиги амалларнинг хотимасини эътиборли қилди.



4191. Фаолиятсизлик, мадорсизлик мусулмон кишининг ҳаётида учраб туралиган табиий холдир. Лекин ўлжалар қўлга киритиладиган, яхшиликда мусобақалашиладиган Рамазон ойида фаолиятсиз бўлишдан эҳтиёт бўл. Яхшилик қилсанг, уни кўпайтири. Узоклашиб кетган бўлсанг, орtingга қайт. Шаҳдинг сусайиб кетса, Рамазон ои саноқли кунлар эканини эсла!



4192. Баъзи солихлар: «Тақво йўлини танлаган юксалади. Ҳавои нафс йўлини танлаган тубанлашади», дейишган.



4193. Амалда кўрсатадиганлар кам бўлади (ўнг томон суратдаги каби). Таклиф берадиганлар кўп бўлади (ўрта суратдаги каби). Лекин танқид қилувчилар ҳаддан ташқари кўп бўлади (чат томон суратдаги каби).

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху: «Аллоҳ бир қавмга ёмонликни иродა қилса, уларга тортишувни бериб, амалдан тўсиб кўяди», деганлар.



4194. Яримта хурмо бизни дўзахдан узоклаштиrsa, садака Роббимизнинг ғазабини ўчирса, «Субҳаналлоҳи ва бихамдиҳи, субҳаналлоҳил ѡазийм» калимаси амаллар тарозусида оғир келса, бир кунлик рўза дўзахдан еру осмон орасичалик йироқлатса, таҳорат жисмдаги хатоларни кетказса, яхшиликлар ўн баробарга кўпайтириб берилса, унда нима учун жаннатни узок деб эътиқод қиласиз?



4195. «Ўзига ишониш» дегани ҳамма сизга қойил қолсин, дегани эмас. Одамларнинг қойил қолиши-қолмаслиги сизга таъсир килмаса, ана шуни «ўзига ишониш» дейилади.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوى

كلما تكاسلت نفسك عن الطاعة

تأمل قوله تعالى :

(هم درجات عند الله)

4196. Қачон тоат-ибодатга дангасалик қилсанг, Аллоҳнинг ушбу оятини эсла: «Аллоҳнинг ҳузуридаги даражалари турлича. Аллоҳ қилаётган амалларини кўриб турувчи Зотдир» (*Оли Имрон сураси, 163-оят*).



4197. Аллоҳга ҳамд бўлсин, аксар мусулмонлар Аллоҳдан фазл сўрайдилар. Лекин Аллоҳнинг фазли деганда уларнинг кўпчилиги ризқ, соғлик ва шунга ўхшаш дунёвий фазлларни тушунишади. Энг улкан илоҳий фазл бўлмиш нафсни поклаш эса хаёлларига ҳам келмайди. Ваҳоланки Аллоҳ таоло «Агар сизларга Аллоҳнинг фазли ва марҳамати бўлмаганида абадул-абад ичингиздан бирор киши поклана олмас эди. Лекин Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишини поклайди» деган! (*Нур сураси, 21-оят*)



4198. Суфён шундай деган эканлар: «Шомлик бир киши келиб, «Мени Сафвон ибн Сулаймнинг ҳузурига олиб боринглар, мен тушимда уни жаннатда кўрдим», деди. «Нима сабабдан жаннатга тушган экан?» десам, «Бир кишига кийим берган экан», деди. Сафвоннинг дўстлари «У қандай кўйлак эди?» деб сўрашди. Сафвон: «Совуқ тунларнинг бирида масжиддан чиқсан, бир яланғоч одам турган экан. Кўйлагимни ечиб, унга кийдириб қўйгандим», деди».



4199. Нафсни рағбатлантираверсанг, қизиқиши ортиб бораверади. Лекин озга ўргатсанг, шунга ҳам қаноат қиласверади.

كلما ظهر القلب رق، فإذا رق راق
 وإذا راق ذاق ، وإذا ذاق فاق
 وإذا فاق اشتق ، وإذا اشتق اجتهد
 وإذا اجتهد هبت عليه نسائم الجنة
 فيفرح بالطاعة ويصير من أسعد الناس
 (من ذاق عرف ، ومن عرف اغترف)

4200. Қалб покланган сари мулойимлашиб боради. Мулойимлашган сари порлаб боради. Порлаган сари завққа тўлиб бўлади. Завққа тўлган сари юксалиб боради. Юксалган сари иштиёқи ортиб боради. Иштиёқи ортган сари фаол бўлиб боради. Фаоллашган сари унда жаннатнинг майин шабадалари эсади. Шундан кейин у тоат-ибодатдан лаззатланадиган энг бахтли инсонга айланади.

التغريدة



د. أحمد عيسى المعصراوي

تعلمت_من سورة الكهف

"فانطلقا " "فانطلقا " "فانطلقا "

أن النجاح يحتاج إلى انطلاق ...

وتوكل على الله ...

4201. «Йўлга тушишди...», «сўнг йўлга тушишди...», «кейин йўлга тушишди...» Кахф сурасининг уч жойида келган ушбу сўзлардан мувваффақиятга эришиш учун йўлга тушиб, харакат қилиш кераклигини ўргандим.

كتب عمر بن عبد العزيز إلى الحسن البصري :
اجمع لي أمر الدنيا، وصف لي أمر الآخرة .
فكتب إليه : إنما الدنيا حلم، والأخرة يقظة، والموت متوسط؛ ونحن
في أضيق أحلام .
من حاسب نفسه رب، ومن غفل عنها خسر، ومن نظر في العواقب
نجا، ومن أطاع هواه ضل، ومن حلم غنم، ومن خاف سلم، ومن اعتبر
أبصار، ومن أبصر فهم، ومن فهم علم، ومن علم عمل .
فإذا زلت فارجع، وإذا ندمت فاقلع، وإذا جهلت فاسأل، وإذا غضبت
فامسك .. واعلم أن أفضل الأعمال ما أكرهت النفوس عليه .

[العقد الفريد | شهاب الدين الأندلسي 3 / 95]

4202. Умар ибн Абдулазиз «Менга дунё ишини тўплаб, охират ишини васф қилиб беринг» деб, Ҳасан Басрийга мактуб ёзди. Ҳасан Басрий шундай жавоб юборди:

«Дунё бир тушдир, охират эса уйғокликдир. Уларнинг ораси ўлимдир. Биз алғов-далғов туш кўряпмиз. Ким ўзини ўзи сарҳисоб қилса, фойдани кўлга киритади. Ким ғафлатда қолса, ютқазади. Ким оқибатга қараса, нажот топади. Ким ҳавои нафсиға эргашса, адашади. Ким ҳалим бўлса, насибага эга бўлади. Ким такво қилса, омонда бўлади. Ким атрофга ибрат назари билан боқса, кўради. Кўрган эса англайди. Англаган эса билади. Билган эса амал қилади. Тўғри йўлда тойилсанг, ортингга қайт. Афсуслансанг, бунга сабаб бўлган нарсани илдизи билан суғуриб ташла. Билмасанг, сўра. Фазабинг келса, ўзингни бос. Билиб қўй, энг афзал амаллар – нафслар ёқтирумаган нарсалардир».



4203. Фузайл ибн Иёз роҳимаҳуллоҳ шундай деган эканлар: «Мен сабрни бир болакайдан ўрганганман. Бир куни масjidга кетаётиб, бир хонадоннинг олдидан ўтиб қолдим. Ичкарида бир аёл ўғлини ураётган экан. Бир маҳал болакай бор овози билан қичкирган эди, онаси эшикни очди, бола чиқиб кетгач, эшикни ёпиб қўйди. Масжиддан қайтаётиб яна бояги болакайга кўзим тушди. У бироз йифлагач, онасини раҳмини келтириб, эшикнинг остонасида ухлаб қолди. Шунда онанинг қалби юмшаб, эшикни очди. Бу воқеадан кўзларим ёшга тўлди, соқолларим хўл бўлгунча йигладим. Сўнг: «Субҳаналлоҳ! Демак, банда ҳам Аллоҳ таолонинг эшиги олдида сабр қилиб турса, У Зот унга эшигини очар эканда!» дедим».

Аллоҳ олий ва билувчи Зотдир!



4204. Болажоним! Гапираётганингда муносиб сўз ва лафзларни танлагин! Масалан, ёлғон сўзлаётган кишига: «Сен ёлғончи, каззобсан» эмас, «Сўзларингиз нотўғри», дегин. Шунда унинг қалбига жароҳат етказмай айтган бўласан».



دخلت ابنة عمر بن عبد العزيز عليه وهي تبكي وكانت طفلة صغيرة، وكان يوم عيد المسلمين فسألها: ما يبكيك؟

قالت: كل الأطفال يرتدون الجديد وأنا ابنة أمير المؤمنين أرتدي ثوباً قديماً

فتثار عمر لبكائها وذهب إلى خازن بيت المال وقال: أتأذن لي أن أصرف راتبي عن الشهر القادم؟

**عظماء خدموا
الإسلام**

فقال له الخازن: ولم يا أمير المؤمنين؟

فحكمى له عمر حزن ابنته

فقال الخازن: لا مانع ولكن بشرط

فقال عمر: وما هذا الشرط؟

فقال الخازن: أن تضمن لي أن تبقى حياً حتى الشهر القادم لتعمل بالأجر الذي تريده صرفه.

فتركه عمر وعاد إلى بيته، فسأله أبناءه: ماذَا فعلت يا أبا نا؟

قال: أتصبرون وندخل جميعاً الجنة، أم لا تصبرون وأدخل النار؟

قالوا: نصبر يا أبا نا!

للمزيد من المنشورات المميزة فقط لايك لصفحة العظاماء

4205. Умар ибн Абдулазизнинг кенжасында куни отасининг хузурига йиғлаб кириб келди. Отаси: «Нимага йиғляпсан?» деди. Киз: «Ҳамма болалар янги кийим кийишиди, мен эса халифанинг қизи бўлсам ҳам, эски кийим билан юрибман», деди. Умар қизининг йиғисидан таъсирланиб, ҳазинабоннинг олдига борди ва: «Кейинги ойлик маошимдан бериб тура оласанми?» дедилар. Ҳазинабон: «Нима учун, эй мўминларнинг амири?» деди. Умар қизининг гапини айтиб берди. Шунда ҳазинабон: «Майли, лекин бир шарт билан бераман», деди. Умар: «Қанақа шарт?» деди. Ҳазинабон: «Кейинги ойгача тирик юришингиз ҳақида кафолат берасиз», деди. Бу гапни эшитган Умар тўғри уйига қараб кетди. Отасини кўлида пул билан кутиб ўтирган фарзандлари: «Отажон, нима бўлди?» дейишган эди, Умар ибн Абдулазиз: «Ё сизлар сабр қиласизлар ва ҳаммамиз жаннатга кирамиз. Ё сизлар сабр қилмайсизлар ва мен дўзахга кираман» деди. Фарзандлар: «Сабр қиласиз, отажон», дейишиди.

التغريدة



د. أحمد عيسى المعصراوي

قال الله ﷺ
 (سَنَسْتَدِرُّهُمْ مِنْ حَيْثُ لَا يَعْلَمُونَ)
 ليس الخوف أن يحرمنا الله
 ونحن نطيعه
 ولكن الخوف
 أن يعطينا الله
 ونحن نعصيه

4206. «Улар билмай қоладиган тарафдан секин-аста (халокатга) олиб борумиз» (*Аъроф сураси, 182-оят*).

Аллоҳга итоат қилиб турганимизда У Зот бизни неъматларидан маҳрум қилиб қўймасин деб қўрқиш керак эмас. Лекин осийлик қилиб турсак ҳам ризқимизни мўл-кўл қилиб турса, мана шундан қўрқиш керак.

قصة الخليفة الحكيم

كان عمر بن عبد العزيز - رضي الله عنه - معروفا بالحكمة والرفق ، وفي يوم من الأيام . دخل عليه أحد أبنائه . وقال له : يا أبا ! لماذا تتساهل في بعض الأمور ؟ !
 فوالله لو أني مكانك ما خشيت في الحق أحدا .
 فقال الخليفة قنه : لا تعجل يا بني : فإن الله ذم الخمر في القرآن مرتين ، وحرمهما في المرة الثالثة ،
 وأنا أخاف أن أحمل الناس على الحق جملة فيدفعوه أي أخاف أن أجبرهم عليه مرة واحدة فيرفضوه)
 ف تكون فتنه .
 فانصرف ابن راضيا بعد أن اطمأن لحسن سياسة أبيه ، وعلم أن وفق أبيه ليس عن ضعف ، ولكن تبيحة حسن فهو الدين .

الكتاب المأذون به في الحديث www.sunnah.com

4207. Халифа Умар ибн Абдулазиз ўзининг ҳикмати ва ҳилми билан машҳур эди. Бир куни ўғилларидан бири ҳузурига кириб, «Отажон! Нима учун баъзи ишларга енгил қарайсиз? Агар ўрнингизда бўлганимда, ҳақни айтишда ҳеч кимдан қўрқмас эдим», деди. Шунда халифа ўғлига: «Шошқалоқлик қилманг, ўғлим! Аллоҳ таоло аввал хамрни Куръонда икки марта ёмонлаб, охирида, учинчисида ҳаром қилди. Мен ҳам одамларни биринчи мартадаёқ мажбурлаб, кейин улар ундан безиб қолишидан ва оқибатда фитна келиб чиқишидан қўрқаман», деди. Ўғил бу хайрли тадбирларни эшитгач, отаси бу ишни заифлигидан эмас, балки динини яхши билганидан қилишини билиб, рози бўлган ҳолда чиқиб кетди.

حکى الأصميّ ، قال : كنت أقرأ : {والسارق والسارقة فاقطعوا أيديهما جزاء بما كسبا ،
نكالاً من الله ، والله غفور رحيم } ، ويجنبي أغراي ، فقال لي : كلام من هذا ؟
فقلت : كلام الله .

قال : أعد ، فأعدت ، فقال : ليس هذا كلام الله !

فانتبهت ، فقرأت : {والله عزيز حكيم} .

قال : أصبحت ، هذا كلام الله .

فقلت : أتقرأ القرآن ؟ قال : لا .

فقلت : من أين علمت ؟

قال : يا هذا : عَزَّ فَحْكُمَ فَقْطَعَ ، وَلَوْ غَفَرَ وَرَحِمَ لَمَا قَطَعَ !



4208. Асмаъий ҳикоя қиласи:

«Бир куни Аллохнинг китобидаги «Үғри эркакнинг ҳам, үгри аёлнинг ҳам қўлларини кесинглар – қилмишларига яраша жазо бўлсин, Аллоҳ томонидан берилган азоб бўлсин. Аллоҳ қудрат ва ҳикмат Эгасидир» оятини ўқиётиб, оят охиридаги «Аллоҳ қудрат ва ҳикмат Эгасидир» сўзи ўрнига «Аллоҳ кечиравчи, раҳмли Зотдир» деб, хато ўқиб юбордим (*Moïda surasü, 38-оят*). Шунда ёнимдаги сахролик бир араб: «Менга кара, бу кимнинг сўзи?» деди. Мен: «Аллоҳнинг сўзи», дедим. У: «Яна бир қайтар-чи?» деди, мен яна хато ўқибман. Шунда у: «Йўқ, бу Аллоҳнинг каломи эмас», деди. Мен дарҳол хатони тўғрилаб, «Аллоҳ қудрат ва ҳикмат Эгасидир» деб ўқидим. Шунда сахролик араб: «Ана энди тўғри ўқидинг, мана бу Аллоҳнинг сўзи», деди. Мен ундан: «Куръонни кўп ўқийсанми?» дедим. У: «Йўқ», деди. «Унда бу хатони қаердан билдинг?» дедим. У: «У Зот қудрат ва ҳикмат эгаси бўлгани учун қўлини кесинглар деган. Агар сен янгилиш ўқигандек, кечириб, раҳм қилса бундай демаган бўйлар эди», деди».


الشيخ/عبدالعزيز الطريفي

على العاقل أن يعرف مساحة جهله أكثر من
معرفته مساحة علمه، لأن من اشغال بمقدار
جهله تعلم، ومن اشغال بمقدار علمه تكبر.

لا ينظر الله لذكاء عقلك، بل ينظر لذكاء قلبك .
كل من أخطأ الله لترضيه، فلا بد أن يخطئ ليرضي
غيرك، فاترك رضاه الله قبل أن يترك رضاك لغير الله .

4209. Оқил одам қанчалик кўп билишидан кўра қанчалик кўп нарса билмаслигини кўпроқ билиши керак. Чунки одам билмаганини билиш билан машғул бўлса, илм ўрганишда бардавом бўлади. Аммо қанча нарса билишини билиш билан машғул бўлса, такаббурлик қилиб қўяди.

Аллоҳ ақлнинг ўткирлигига эмас, қалбнинг поклигига қарайди. Кимнидир рози қиласман деб, Аллоҳни ғазабнок қилсанг, У Зот ўша бошқа одамни рози қилиш учун сени албатта ғазабнок қиласди. Сенинг розилигинг Аллоҳдан бошқаси учун бўлиб қолмаслиги учун бошқаларнинг розилигини Аллоҳ учун бўлишига қўйиб бер!



4210. Баъзи солиҳ салафлар: «Тавба қилган ҳолда тонг оттириб, тавба қилган ҳолда кеч киритинглар», дейишар эди.

Ибн Ражаб бу ҳақда шундай деган: «Мўмин киши тонгда ҳам, кечда ҳам тавба билан машғул бўлмоғи лозим. Чунки у ўлим қачон келишини билмайди. Ким тавба қилмаган ҳолда тонг оттирса ёки кеч киритса, хавфли ҳаёт кечираётган бўлади. Чунки аслида Аллоҳга тавбасиз йўлиқишидан кўрқиши керак эди. Энди эса тавба қилмагани учун золимлар билан бирга тирилади. Аллоҳ таоло бу ҳақда: **«Ким тавба қилмаса, ана ўшалар золимлардир»**, деган (*Хужсурот сураси, 11-оят*).

التغرييدة




د أحمد عيسى المعصراوى

يترك صلاة الفجر حتى تطلع الشمس لكي
يحصل على مزيد من النوم والراحة مسكن
لا يدرى أن الذي وقف بين يدي الله مرتاح
أكثر
صلاة الفجر نور في القلوب

4211. Бирпас ухлаб, роҳатланаман деб, қуёш чиқиб, бомдоддан қолиб кетган бечора кимса Аллоҳнинг ҳузурида туриш ҳамма нарсадан роҳатбахш эканини билмайди!

Бомдод намози қалбларга нурдир.



4212. Ибн Ражаб роҳимаҳуллоҳ: «Роббининг ҳузурида ҳожати бўлатуриб, сахар вақти, яъни тонгда ухлаган киши оқил эмас», деган эканлар. Ҳожатларингизни тундаги таҳажҷуд намозида сўрашни ўрганинг!




4213. Ота-она учун истиғфор айтишнинг фазилати

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Жаннатда бир кишининг даражаси кўтарилиб кетади. У: «Бу неъмат менга нима учун берилди?» дейди. Шунда «Фарзандинг сенинг ҳаққингга истиғфор айтгани учун», дейилади».

Ибн Можа ривояти



4214. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу шундай дедилар: «Ким Аллоҳ ва Унинг Расулини қанчалик яхши кўришини билмоқчи? Агар у Қуръонни севса, демак, Аллоҳ ва Унинг Расулини севар экан».



4215. Бир куни халифа Умар ибн Абдулазизнига меҳмон келди. Гаплашиб ўтиришган пайтда чирокнинг мойи тугаб, ўчиб қолди. Халифа Умар ўрнидан туриб, унга мой қўймоқчи бўлаётган эди, меҳмон: «Эй мўминларнинг амири! Менга айтинг ёки бирор хизматчини чақиринг», деди. Умар: «Ўзим туриб, тўғриласам, бирор жойим камайиб қолмайди-ку! Аллоҳнинг наздидаги энг яхши одам – энг тавозели кишидир», деди.

التغريدة



قال الله تعالى

(تولوا وأعینهم تقیضُ منَ الدمع حَرَنَا)

هكذا بكاؤهم على فوات الطاعة؛ فكيف
ببكاؤهم على فعل المعصية ! ؟

4216. «Гамгин бўлиб, кўзларидан ёшлар тўкилиб, ортга қайтиб кетганлар...» (*Тавба сураси, 92-оят*).

Саҳобалар тоат-ибодат пайти ўтиб кетгани учун йиғлашган экан. Агар улар гуноҳмасият қилиб қўйса нима қилишар экан?



4217. Гўзал нихоя
«Мени мусулмон ҳолимда вафот этдиргин ва солиҳларга қўшгин» (*Юсуф сураси, 101-оят*).



4218. Кўпчилик (дунёга рағбат қилиб) Аллоҳнинг «Мол-мулк ва бола-чақа – дунё ҳаётининг зийнатидир» деган оятини далил қиласи (*Қаҳф сураси, 46-оят*). Лекин камдан-кам одам оятни охиригача ўқиб, қуидаги улкан маънони тушунади:

«Лекин боқий қолгувчи солиҳ амаллар Роббинг ҳузурида савоб ва умид жиҳатидан яхшироқдир» (*Қаҳф сураси, 46-оят*).

Нақадар ажойиб тушунча! Кўпчилигимиз буни билмаймиз.

«Боқий қолгувчи солиҳ амаллар» нима дегани? Уларнинг савоби қандай?

Боқий қолгувчи солиҳ амаллардан бири «Субҳаналлоҳ, валҳамдулиллаҳ, ва лаа илаха иллалоҳ, валлоҳу акбар» калималарини айтиб юришдир. Боқий қолгувчи солиҳ амаллар дейилишига сабаб шуки, уларнинг савоби ҳам абадий қолади, мукофоти ҳам бардавом бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: «Субҳаналлоҳ, валҳамдулиллаҳ, ва лаа илаҳа иллалоҳ, валлоҳу акбар» денглар, чунки бу қиёмат куни нажот бўлиб, олдинга чиқади. Мана шу калималар ҳақиқий боқий қолувчи солиҳ амаллардир».

И мом Ҳоким ривояти.



4219. Анас ибн Молик розияллоху анҳу шундай деган эканлар: «Расулуллоҳ соллаллоҳ алайҳи васалламга ўн йил хизмат қилдим. Бирор марта «уф» демадилар. Бир ишни қилсам, «Нима учун бундай қилдинг?» демадилар. Бир ишни қилмасам, «Нима учун қилмадинг?» демадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳ алайҳи васаллам энг гўзал хулқли инсон эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳ алайҳи васалламнинг кафтларидан мулойим бирор мато ёки ипакни ушламаганман. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг терларидан хушбўйроқ мушку анбар ҳидламаганман».

الشيخ/ عبدالعزيز الطريفي

**القرآن الكريم مفتوح للمتدبر،
ولكن القلوب يقفلها الله عنه عقوبةً بسبب
ذنب، أو حرماناً بسبب كبر**

﴿أَفَلَا يَتَدَبَّرُونَ الْقُرْآنَ أَمْ عَلَى قُلُوبٍ أَفْفَالُهَا﴾

4220. Куръони Карим уни тадаббур қилиб фикрлайдиганлар учун доим очиқдир. Лекин Аллоҳ баъзиларнинг гуноҳ ёки такаббурлиги туфайли, уларни азоблаш учун қалбларини ёпиб қўяди.

«Қуръонни тадаббур ила ўйлаб кўрмасларми? Ёки қалбларида қулф борми?»
(Муҳаммад сураси, 24-оят).

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

﴿وقال إني مهاجر إلى ربي﴾

أعظم رحلة تقطعها في حياتك ..

تلك الرحلة التي تحزم فيها

حقائب روحك إلى الله جل وعلا !

تأملات

4221. «Мен Роббимга ҳижрат қиласман» (Анкабут сураси, 26-оят).

Ҳаётингдаги энг буюк сафар – Аллоҳ таоло томон руҳият камарини боғлаб қилган сафарингдир.

{رِفْقًا سَيِّدِي}

قال أحد السلف ..
ما عالجت شيئاً أشد على من نيتى

ونحن كثنا عالجنا نوايانا وتكلمنا من إخلاصنا ... !!
فلم يعد يفوتنا أبداً "السيلفي"
مع كل طاعة صفيرة كانت أو كبيرة ... !!



4222. Солиҳ салафлардан бири шундай деган эканлар: «Ниятимни соғ қилиш муолажасидан қаттиқроқ муолажа қилмаганман».

Биз эса худди ниятларимиз соғлигини, ихлосимиз ҳақиқийлигини кафолатлаб қўйган кишидек, каттаю кичик ибодатларимизда бамайлихотир «селфи» суратларга тушиб юрибмиз...